**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИ ФЕДЕРАЛ ПРЕЗИДЕНТИ ФРАНК-ВАЛЬТЕР ШТАЙНМАЙЕР 27 МАЙ КУНИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗГА КЕЛДИ.**


# HUQUQ

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq.uz 2019-у. 30-MAY, №22 (1167)


**САЙЁР ҚАБУЛДА ФУҚАРОГА 26 МИЛЛИОН СЎМДАН ОШИҚ ҚАРЗДОРЛИК УНДИРИБ БЕРИЛДИ.** 4

**ХОРИЖГА ЧИҚИБ КЕТГАН 4 МИНГДАН ОРТИҚ ФУҚАРО ОИЛАСИ БАҒРИГА ҚАЙТАРИЛДИ.** 5

**АРЗИМАГАН ДАРОМАД ИЛИНЖИДА ЎҒИЛ ОНАСИНИНГ ҲАЖГА ЙИҚҚАН ПУЛЛАРИНИ КЎККА СОВУРДИ.** 7

**СОБИҚ МУАЛЛИМНИНГ МЕҲНАТ ДАФТАРЧАСИДАГИ СОХТА БИТИКЛАР СИРИ ОШКОР БЎЛДИ.** 9

JARAYON

**Аҳоли билан бевосита ва очиқ мулоқот қилиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни жойида бартараф этиш мақсадида Бош прокурор ўринбосари Эркин Юлдашев Сирдарё ва Жиззах вилоятларида сайёр қабул ўтказди.**



# ХАЛҚ ДАРДИНИ ТИНГЛАБ...

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосарининг Ховос тумани, Ховос шаҳарчасидаги "Темирйўлчилар маданият саройи" биносида ўтказган қабулида 351 нафар фуқаро иштирок этиб, улардан 90 нафарининг муаммоси жойида ҳал қилинди, 261 нафарининг мурожаатлари эса қабул қилиб олинди. Фуқаролардан 145 нафарининг мурожаати қаноатлантирилди, 18 нафарига тушунтириш берилди ва 98 нафарининг мурожаатлари назоратга олиниб, ўрганиб чиқилмоқда. Жумладан, 44 нафар фуқарога ногиронлик аравачалари, эшитиш мосламалари, қўлтиқтаёқлар, 20 нафар кам таъминланган фуқароларга ун, пахта ёғи, макарон ва бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, 5 дона кир ювиш машинаси, 4 та музлатгич, 5 дона чангютгич, 6 дона телевизор, 6 дона вентилятор, 42 дона микротўлқинли печь каби маиший техника жиҳозлари топширилди.



Хусусан, фуқаролар Л.Джиянова, А.Абдуллаев, М.Зияев ва бошқаларга ногиронлик аравачаси, Г.Бойматова, В.Филиппов ва бошқаларга қўлтиқтаёқ, Х.Турсунқуловга эшитиш мосламаси ва бошқа зарур бўлган жиҳозлар топширилди. Шунингдек, 3 нафар фуқарога санаторияга йўлланма берилиши таъминланди.

Шунингдек, Бош прокурор ўринбосари Эркин Юлдашев Жиззах вилоятининг Мирзачўл тумани марказида ҳам сайёр қабул ўтказди. Унда Дўстлик, Пахтакор, Зафаробод ва Арнасой туманлари аҳолиси қатнашди.

Ҳокимликлар, вилоят ташкилот ва идоралари, секторлар раҳбарлари иштирокида ўтказилган сайёр қабулда 69 нафар фуқаронинг мурожаати эшитилди.

Қабулга келган фуқароларнинг кўпчилиги йўлларни таъмирлаш, тоза ичимлик суви таъминоти, уй-жой, тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва тадбиркорликни ривожлантириш, коммунал соҳалардаги камчиликларни тузатиш, ишга жойлашишда кўмаклашиш, ҳуқуқий масалалар бўйича мурожаат қилди.

Мурожаатларнинг 18 таси қабул давомида қаноатлантирилди. 8 нафар ишсизнинг бандлиги таъминланди. Ўрганиш вақт талаб этадиган 51 та мурожаатни ҳал этиш тегишли давлат идораларига топширилди. Суд қарорлари, суриштирув ва тергов фаолиятига оид мурожаатлар ҳал этиш учун тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топширилиб, ижроси назоратга олинди.

Сайёр қабул давомида вилоятдаги тижорат банклари томонидан "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида ажратилган имтиёзли кредитлар эвазига бир гуруҳ фуқароларга мини трактор, музқаймоқ тайёрлаш ускунаси, тикув машиналари топширилди.

**Ўз мухбиримиз**

## БОЛАЛАРГА БЕРИНГ ДУНЁНИ!



**Бугунги кунда 75 миллионга яқин бола қуролли тўқнашув ҳамда табиий офатлар туфайли азият чекмоқда... Шукрки, бизнинг мамлакатда болажонларимиз яйраб-кулиб улғаймоқда.**

6-бетда

## ЎҚИТУВЧИ ТАЪМИРГА ПУЛ ЙИҒМАСЛИГИ МУМКИН...




3-бетда



## ЗИЁРАТНИ БАРБОД ҚИЛГАН «ТУРФИРМА»

**ФИРИБГАРНИНГ РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАРИ НАТИЖА БЕРИБ, КЎП ЎТМАЙ ЭШИКНИ ТАҚИЛЛАТИБ КЕЛУВЧИЛАР ПАЙДО БЎЛДИ.**

7-бетда

# РАД ҚИЛИНГАН ЖИНОЯТ

**Президентимизнинг "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва кенг жамоатчилик олдида турган муҳим вазифалар аниқ ва равшан белгилаб берилди.**

**Тоҳиржон ҲУСАНОВ,**
Сергели туман прокурори

Шундан келиб чиққан ҳолда Сергели туман прокуратураси ходимлари томонидан ҳам ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш, мурожаатлар билан ишлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, ҳуқуқбузарликлар ўз-ўзидан содир этилмайди. Шу боис, биринчи навбатдаги масала уларнинг оқибатлари билан курашиш эмас, балки барвақт олдини олиш, содир этишга имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни ўз вақтида бартараф этишдан иборат бўлиши керак. Сергели туман прокуратураси, ҳокимлиги, туман ИИО ФМБ, ДСИ ҳамда ЖИБ туман суди билан ҳамкорликда ҳафтанинг ҳар

> *Ўтган даврда умумий жиноятчилик 2018 йилга нисбатан 46,3 фоизга камайган.*

пайшанба куни "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни" ўтказиб келинмоқда. Ушбу жараёнда ички ишлар органлари таянч пунктлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат идоралари ва ташкилотларида "очиқ эшиклар куни"ни ташкил этиш орқали тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Қонунийлик аҳволи бўйича чора-тадбирлар самарадорлигини атрофлича муҳокама қилиш учун жойларда, биринчи навбатда, криминоген вазият номақбул бўлган ҳудудларда фуқароларнинг сайёр қабуллари ҳамда давлат идоралари ва ташкилотлари вакилларининг аҳоли билан учрашувлари ташкил этилмоқда, сайёр суд мажлислари ўтказилмоқда.

Маълумки, ҳар бир маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш, бу борада бефарқлик, лоқайдлик ҳолатларига барҳам бериш жамиятда тинч ва осойишта ҳаётни таъминлашнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Бу борада ҳар бир фуқаро онгида "Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак" деган тушунчани шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Бунга мисол тариқасида жорий йилнинг ўтган 4 ойи давомида туманимиз ҳудудидаги "Софдил", "Олчазор", "Хонабод", "Йўлдош", "Чароғон", "Қурувчи", "Чорбоғ", "Жунариқ", "Бунёдкор", "Олтинводий", "Зиёкор", "Астор", "Халқобод" ҳамда "Шукрона" маҳаллаларда жиноят содир этилмаганини келтириш мумкин. Умуман олганда эса, Сергели тумани ҳудудида ўтган даврда 2018 йилга нисбатан умумий жиноятчилик 132 тага ёки 46,3 фоизга камайган. Туман секторлари кесимида жиноятчилик таҳлил қилинганда 2-сектор, яъни туман прокурори секторидаги 6 та маҳаллада умуман жиноят содир этилмаган.

Бироқ айрим тизим ходимларининг хатти-ҳаракатлари ёки уларнинг қабул қилган қарорларидан норозиликлар билдирилган мурожаатлар ҳам учраб турибди. Туман прокуратураси томонидан 23 та жиноят иши қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарор бекор қилиниб, қўшимча терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб бориш учун юборилди, 2 таси бўйича қўшимча текшириш натижасида жиноят иши қўғатилган. Жумладан, фуқаро А.Аннуфриев туман прокуратурасига мурожаат қилиб, 2019 йил 15 март куни фуқаро М.Бекмирзаев билан ўзаро жанжал оқибатида ўзига етказилган тан жароҳати юзасидан туман ИИО ФМБ ходимлари томонидан ҳеч қандай ҳаракат бўлмаётганлигини маълум қилган. Мазкур мурожаат туман прокуратураси томонидан назорат тартибида ўрганилиб, М.Бекмирзаевга нисбатан ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилган.

Фуқаро С.Баратов эса туман прокуратурасига мурожаатида қуйидагиларни маълум қилган: 2019 йил 30 январда қорамолини сотиш учун "olx.uz" ижтимоий тармоғига қўяди. Шу куни фуқаро З.Рўзиев келиб, қорамолни 17 миллион сўмга сотиб олишга келишади. Пулларни саккиз кунда бериш ҳақида тилхат ёзиб бериб олиб кетади. Бироқ шу кунга қадар пулларни бермайди. Бу борада бир неча маротаба қилган мурожаати юзасидан туман профилактика инспектори лейтенант К.Супиев томонидан терговга қадар текширув ҳаракати олиб борилади. Буни қарангки, З.Рўзиев муқаддам беш марта фирибгарлик жинояти содир этганлиги бўйича жавобгарликка тортилган бўлса-да, мазкур ҳолатда жиноят аломатлари мавжуд эмаслиги важи билан 14 мартда ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинади. Шунингдек, мазкур ҳолат бўйича ЖПКнинг 329-моддаси талаби ҳам қўпол равишда бузилади: терговга қадар текширув муддати бир ойга узайтирилган бўлса-да, муддати қирқ икки кун бўлган қарор туман ИИО ФМБ бошлиғи биринчи ўринбосари ҳамда 2-сонли ИИБ бошлиғи ўринбосари томонидан имзоланиб тасдиқланади.

Фуқаро С.Баратовнинг мазкур мурожаати назорат тартибида ўрганилиб, профилактика инспектори лейтенант К.Супиевнинг жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақидаги қарори бекор қилинган ҳамда З.Рўзиевнинг ҳаракатларида ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми "а" бандида кўрсатилган жиноят аломатлари мавжудлиги инобатга олиниб, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилган.

Шунингдек, фуқаро К.Тоҳиров мурожаатида 2017 йилнинг ноябрь ойида таниши Илҳом Бекназаров шерикликни таклиф қилгани, орадан икки ҳафта ўтгач, телефон қилиб, БАА давлатидан 15 дона телевизор Тошкент шаҳрига олиб келинганлигини, айтиб, ишончига кириб, ундан божхона тўловлари учун 2 минг АҚШ доллари сўрагани, шунингдек, божхона хизматида ишлайдиган "Тимур"ни таништириб, у орқали телевизорларни божхона омборидан тез олиб чиқиш мумкинлигини билдириб, пулларни олгач, "Тимур" ғойиб бўлгани, фуқаро И.Бекназаров эса бир қанча вақт давомида уни алдаб юриб, Туркияга кетганлигини айтганлигини маълум қилган. Шунингдек, унинг мазкур шахсларга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб қилган мурожаати юзасидан профилактика инспектори Ф.Тўйчиев томонидан терговга қадар текширув ҳаракати олиб борилиб, жиноят аломатлари мавжуд эмаслиги важи билан 2018 йил ёз ойида ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинган.

> *Жиноят иши қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги 23 та қарор бекор қилинган.*

Мазкур қарор назорат тартибида туман прокуратураси томонидан ўрганилгач, 2019 йил март ойида бекор қилиниб, қўшимча терговга қадар текшириш олиб бориш учун туман ИИО ФМБ ҳузуридаги ТБга юборилган. Бироқ туман ИИБ ТБ катта суриштирувчиси М.Муродуллаева томонидан қўшимча терговга қадар текширув ҳаракатлари сифатсиз ўтказилиб, 2019 йил 9 апрелда ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақида асоссиз қарор қабул қилинади.

Туман прокуратураси томонидан мазкур ҳолатда Илҳом Бекназаров ҳамда Бектемир Норқуловнинг ҳаракатларида ўзганинг мулкини алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритишда ифодаланган фирибгарлик жинояти аломатлари борлиги инобатга олиниб, жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақидаги қарор бекор қилинган ҳамда И.Бекназаров ва Б.Норқуловга нисбатан ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилган.

Бундан ташқари, Сергели туман ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2019 йил 22 май куни бўлиб ўтган йиғилишида жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ўзини кўрсатган, жиноят содир этилмаган маҳаллаларнинг профилактика инспекторларини рағбатлантириш чораларини кўриш, шунингдек, юқоридаги каби ҳолатлар ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш масалалари муҳокама қилинди. Келгусида шу каби камчиликларга йўл қўйган ходимларнинг жавобгарлик масаласи кўриб чиқилиши қатъий белгилаб қўйилди.






# СОҲАНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАДА

**Ўзбекистон Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан "Hyatt Regency Tashkent" меҳмонхонасида "ОАВ соҳасида миллий қонунчиликни янада такомиллаштиришнинг долзарб масалалари" мавзусида республика конференцияси бўлиб ўтди.**

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати аъзолари, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг раҳбар ва масъул ходимлари, халқаро ва хорижий ташкилотлар, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ва ОАВ вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Агентлик директори К.Алламжонов ўз нутқида ўтган давр мобайнида халқаро рейтингларда сўз эркинлиги ва ОАВ фаолияти бўйича нуфузини яхшилаш, Медиа-омбудсман лавозимини жорий этиш, турли хорижий веб-ресурслардан фойдаланиш имконияти яратилганлигига ҳам алоҳида тўхталиб ўтди.

Конференцияда агентлик директори ўринбосари Саида Мирзиёева ҳам иштирок этиб, матбуот хизматлари ва ахборот сиёсати юзасидан бир нечта таклифларни илгари сурди. Жумладан, у ахборот хизматлари фаолиятини такомиллаштириш, самарадорлигини ошириш борасида янги ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши лозимлиги ҳақида фикр билдирди.

У ўз маърузасида, "Давлат органларининг ахборот сиёсати соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасида ягона давлат ахборот сиёсати тўғрисида Концепциясини қабул қилиш зарурати тобора ошиб бормоқда", деган таклифни билдирди.

Конференцияда иштирок этган халқаро экспертлар томонидан очиқ маълумотларнинг Ўзбекистондаги инвестицион муҳит ва халқаро рейтингларига таъсири, Европа тажрибаси мисолида давлат органларининг ОАВ билан ҳамкорлиги масалалари каби мавзуларда маърузалар қилинди.

Қизғин мунозараларга бой руҳда ўтган тадбирда ОАВ соҳасини такомиллаштириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

**Ўз мухбиримиз**



# ЎҚУВ МАШҒУЛОТИ ЎТКАЗИЛДИ

**Алишер ИБРАГИМОВ,**
Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокурорининг катта ёрдамчиси

Бугунги кундаги энг долзарб масалалардан бири кадрлар масаласи ҳисобланади. Дарҳақиқат, ўсиб келаётган ёш авлодни меҳнатга ўргатиш, зарур касб-корга йўналтириш юрт ободлиги, миллат ва халқ равнақи йўлида ниҳоятда аҳамиятлидир. Шу сабабли, прокуратура органлари ходимларини касбий тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёни доимий равишда такомиллаштирилмоқда. Жумладан, ўтган ҳафта Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратураси маҳкамаси таркибий тармоқлар билан ҳамкорликда ёш мутахассислар учун прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича ўқув машғулоти ўтказди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2016 йил 29 августдаги 131-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Прокуратура органлари ва муассасаларига хизматга қабул қилиш ва ёш мутахассислар билан ишлашни ташкил этиш тўғрисидаги”ги Низом талабларига асосан ташкил этилган мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратураси маҳкамаси ходимлари ҳамда ёш мутахассислар иштирок этишди.

Тадбир иштирокчиларига юқорида қайд этилган низомнинг муҳим жиҳатлари, қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини ташкил қилиш, шунингдек, янги таҳрирдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Бош прокурорнинг 2018 йил 19 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимларининг “Касб одобномаси”ни тасдиқлаш ҳақида”ги 208-сонли буйруғининг мазмун-моҳияти тўғрисида тушунчалар берилди.

Ўқув машғулот сўнггида “Сўнгги пушаймонлик” номли ҳужжатли фильм намойиш этилди.



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 май куни илм-фан ва олий таълим соҳасини ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар ижросига бағишланган йиғилиш ўтказди.**

# ЎҚИТУВЧИ ТАЪМИРГА ПУЛ ЙИҒМАСЛИГИ МУМКИН



## қачонки, бунга ечим топилса!

Қачонлардир бир ривоят эшитгандим.

*Бир одам юмуш билан кетаётиб, катта кўлнинг қаршисидан чиқиб қолибди. Неча кеча-кундуз пиёда юриб келмаётганмиди, кўлни айланиб ўтишга эринибди. Бир четда турган қайиққа ўтирибди-ю, эшкакни эша бошлабди: "Йўлим яқин бўладиган бўлди. Шу қайиқда дам ўтмай нариги қирғоққа ўтиб оламан!"*

*Кўлнинг ўртасига борганида, сувнинг бир текис мавжланаётганиданми, ё жуда толиққаниданми, бир муддат ухлаб қолибди. Уйғонгач қараса, кўлнинг қирғоғида иккита шер унга термулганича беҳаловат у ёқдан бу ёққа бориб келаётганмиш. Бу ҳам етмагандек, орқа томонида — шундоққина қирғоққа яқин жойда — сувда иккита тимсоҳ ҳам унга кўз тикиб турганмиш...*

*Хуллас, у ортга қайтса, тимсоҳларга, йўлида давом этиб, қирғоққа чиқса, шерларга ем бўларкан...*

Охири нима билан тугагани ҳозир эсимда йўқ. Бироқ шу куннинг мавзусига айланган "Ўқитувчилар мактаб таъмирига пул йиғиши мумкинми?" мавзусида ижтимоий тармоқларда-ю, одамлар тилида айланаётган гап-сўзлар сабаб ана шу ривоят ёдимга тушди. Бу ривоятни нега эслаганимизга кейинроқ тўхталамиз.

Кечки пайт ишдан қайтганимда уч-тўрт қўшним кутиб туришган экан. Салом-алик қилар-қилмас улар мендан сўроқлай кетишди:

— Қўшни, ўзи мактабда "ремонт" учун пул йиғиш тўғрими?

— Қайси куни телевизорда кўрсатгандек бўлувди, пул йиғиш ноқонуний эмиш-ку?! Интернетда ҳам шунақа ёзишаётганмиш...

— Ўзи шунақа ноқонуний ишларни текширадиган идора борми?

Уларни бир-бир тинглар эканман, мен ҳам "Пул йиғиш мумкин эмас", дедим. Бу гапдан улар жонланиб, яна жаврана кетишди...

Хуллас, уларнинг гапидан англадимки, мактабларда яна синф хоналари таъмири учун пул йиғиш бошланган. Ҳар йилги ҳолат...

— Бу йил мактабдагилар бошқача йўл тутишди, — деди бир қўшним. — Ота-оналарни йиғиб, гапни узоқдан бошлашди. Мактаб таъмири учун пул йиғиш мумкин эмас экан, аммо ота-оналар ҳомийлик қиламиз, дейишса, йўқ дейишмасмиш... Ота-оналар ичида бир-икки олдиндан тайинлаб қўйилганлари бор эканми, "Нега пул бермас эканмиз?! Боламиз шу ерда таълим-тарбия олса, шу хоналарда ўзлари ўқишса... Мен албатта "ремонт"га пул бераман!", деди бири. Иккинчиси уни қўллади...

Бу суҳбатдан кейин чиндан ҳам ўйланиб қолдим.

Бу каби эътирозлар кўпайгандан кўпайиб, ижтимоий тармоқларда Адлия вазирлигининг баёноти ҳам эълон қилинди.

Ана шундай хабарлардан бирини шундайлигига эътиборингизга ҳавола этамиз:

"Фарзанди мактабга борадиган ҳар қандай ота-онага турли пул йиғимлари масаласи жуда яхши таниш. Синф фонди, мактаб фонди, таъмирлаш, хуллас, ҳеч бир мезонларда кўрсатилмаган ва ҳеч қаерда қайд қилинмайдиган ушбу маблағларни ота-оналардан йиғиб олиш тўғрими? Шундай шароитда фуқаролар қандай йўл тутишлари керак", дейилади Адлия вазирлиги телеграмм каналида.

> *Ота-оналар ичида бир-икки олдиндан тайинлаб қўйилганлари бор эканми, "Нега пул бермас эканмиз?! Боламиз шу ерда таълим-тарбия олса, шу хоналарда ўзлари ўқишса..." деди бири...*

Савол: Мактаб ўқувчилар ва ўқитувчилардан таъмирлаш учун пул талаб қилишга ҳақлими? Мактабда 1200 нафар ўқувчи ўқийди, 25 та ўқитувчи дарс беради. Ўқувчилардан 15 минг сўм, ўқитувчилардан 10 минг сўмдан маблағ йиғиб олинаяпти. Яна ота-оналарнинг айримлари кўнгилли равишда ҳомийлик ёрдами сифатида қурилиш моллари ҳам келтириб бераяптилар. Бу йиғилган пуллар мактабнинг ҳисоб рақамига ўтказиладими ёки мактаб раҳбарларининг чўнтагига бориб тушадими?

Мактаблар ва бошқа таълим муассасалари томонидан таъмирлаш учун ўқувчи ва ўқитувчилардан пул йиғилиши ноқонуний ҳисобланади.

Конституциянинг 41-моддасида ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга эканлиги ва бепул умумий таълим давлат томонидан кафолатланиши белгиланган.

Айрим ота-оналар бу пулни оғринмай берса-да, кўпчиликда норозилик туғилади. Лекин атрофдагиларнинг босими ва фарзандига ўқитувчининг муносабати ўзгармасмикан, деган ўй билан ота-оналар ушбу асоссиз тўловларга рози бўлади.

"Таълим тўғрисида"ги Қонунда жинси, тили, ёши, ирқий, миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий мавқеи, турар жойи, Ўзбекистон ҳудудида қанча вақт яшаётганидан қатъий назар, ҳар кимга билим олишда тенг ҳуқуқлар кафолатланиши белгиланган.

Аслида мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун бюджетдан пул маблағлари ажратилади. Президентнинг 2018 йил 5 сентябрдаги қарорига мувофиқ Халқ таълимини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилган. Мазкур жамғарманинг асосий вазифаларидан бири умумтаълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, шу жумладан, зарурат бўлганда ўқув корпусларини ўқув устахоналари ва лабораториялар ташкил этган ҳолда кенгайтириш, спорт заллари ва майдончаларини ҳамда бошқа инфратузилма объектларини барпо этиш бўйича ишларни молиялаштириш ҳисобланади.

Умумий ўрта таълим тўғрисидаги Низомга мувофиқ, мактаблар фаолиятини молиялаштириш тегишли харажатлар сметасига мувофиқ амалга оширилади. "Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида"ги 1998 йил 13 майда қабул қилинган Ҳукумат қарорига мувофиқ, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳар йили 1 августга қадар мактаблар моддий-техника базасини тайёрлашни, ўқувчилар учун зарур санитария-маиший ва ижтимоий шароитлар яратилишини таъминлаши зарур.

Шундай экан, ажратилган маблағларнинг ўз манзилига тўлиқ етиб боришида нафақат давлат органлари, балки жамоатчилик, хусусан, ота-оналарнинг ҳам ҳушёрлиги ва масалага масъулият билан ёндашуви талаб этилади. Пул сўралганда асос талаб қилиш, ажратилаётган маблағлар қаерга кетаётгани билан қизиқиш, зарур ўринларда тегишли органларга мурожаат қилиш орқали ота-оналар жамоаси мазкур маиший коррупцияга қарши қонуний йўл билан курашишлари ва ушбу иллатга узил-кесил барҳам берилишига ҳисса қўшишлари мумкин".

Ушбу маълумотни ўқиган борки, ҳаммасини тушунади-қўяди. Бари тўғри ва аниқ изоҳланган. Бу масалага ортиқча баҳо бериш шартмас. Нима дедингиз?!

Аммо танганинг иккинчи томонини унутиб қўйяпмиз. (Ҳар ҳолда биз — журналистлар масалага объектив, холис ёндаша оламиз!)

Мактаблар, қўйингки, синф хоналарининг таъмири учун давлат пул ажратади, деган фикр тўғри, аммо ҳар йили эмас. Яъни ўша мактаб таъмири "режа"ларга киритилсагина ажратилади! Бу, агар бир туманда ўртача элликта умумтаълим мактаби бўлса, бир йилда уларнинг беш-олтитаси мукаммал, яна бир нечтаси капитал таъмирланади, дегани. Қолганлари-чи?! Маҳаллий ҳокимликлар ёки биз юқорида тилга олган Халқ таълимини ривожлантириш жамғармаси ҳам ҳар йили ҳар бир мактабга, ҳар бир синф хонасини таъмирлаш учун маблағ ажратмайди. Ахир уларга ҳам "режа" қўйилган. Янги мактаблар, спорт иншоотлари қуриш, яна бошқа қурилиш, ободончилик... Бироқ синф хонасига масъул бўлган ўқитувчи ва мактаб мутасаддилари ҳар бир хонани ҳар йили енгил бўлса-да, таъмирламаса бўлмайди. Боиси, йил давомида синф хоналар уриниб, таъмирталаб аҳволга келиб қолади.

> *Ажратилган маблағларнинг ўз манзилига тўлиқ етиб боришида нафақат давлат органлари, балки ота-оналарнинг ҳам ҳушёрлиги талаб этилади.*



Энг қизиғи, ўқитувчи синф хонасини таъмирдан чиқармаса, унга меҳнат таътили берилмаслиги ҳақида оғзаки талаблар қўйилади.

Хўш, ўқитувчи пулни қаердан олсин?! Албатта, ота-оналарга суянади! Ахир ҳар йили болаларининг ризқини қийиб, синф хоналарини таъмирлайвермайди-ку?! Ё директорнинг ўзи ҳамма хонани ўз маблағи ҳисобидан "ремонт" қилсинми?!

Ана энди бошда келтирилган ривоят изоҳига навбат келди. "Шўрлик" ўқитувчини ўша қайиқдаги одамга ўхшатса бўлади. Агар таъмирга пул йиғса, ота-оналарнинг ҳақли таъқиби, эътирозига дуч келади. Таъмирни охирига етказмаса ҳам бўлмайди. Чунки у шу хона учун масъул. Ахир мактаб ва синф хоналари 1 августга қадар таъмирдан чиқарилган, ўқувчиларни қабул қилишга тайёр бўлиши шарт!

Ҳа, чиндан ҳам ўқитувчиларга қийин экан! "Улар пул йиғиб тўғри қилаяпти", деган фикрдан йироқман. Фақат масалага бошқача ёндашиш keракка ўхшайди.

Очиғи, бугунга қадар педагог-ўқитувчиларнинг ойлик маоши паст, уларга эътибор ҳам ҳаминқадар эди. Натижада, билимли мутахассислар мазкур соҳада ишлашни истамай қўйишди. Бу эса кадрлар етишмовчилигига сабаб бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ўқитувчилар, мактаб директорлари ҳамда ўринбосарлари, психологлар, кутубхоначилар ва бошқа ходимларнинг меҳнатларига яраша ҳақ тўланишига катта қадам қўйилди. Ойлик маошлари сезиларли даражада кўтарилди. Мажбурий меҳнат, турли йиғимлардан озод этилди, устозлар қаддиларини ростлаб олишди. Бироқ соҳада йиллар давомида йиғилиб қолган муаммолар кўп эди. Уларни қисқа муддатда кескинлик билан ҳал этиб бўлмаслиги ҳам ҳеч кимга сир эмас, туман, вилоят ва республика кесимида босқичма-босқич бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

Қолаверса, ўтган йиллар давомида мактаблар таъмири учун республика бюджетидан ажратилган маблағлар ҳам ноябрь ойидагина бериларди. Тайинки, шу сабабли ё ишлар ортга суриларди, ё умуман бажарилмай қолаверарди.

Бугун бу борада ҳам анчагина дадил қадамлар қўйилди. Давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ижобий ишлар бисёр, уларни инкор этиб бўлмайди. Аммо ўқитувчилар яна халқ норозилигига, эътирозларга дуч келмаслиги учун бугун кенг муҳокамага сабаб бўлаётган "мактаб таъмири учун пул йиғиш" масаласини замон талаб қилмоқда.

Агар мазкур муаммо ҳал этилса, шундагина ўқитувчи ўқувчиларнинг ота-онасидан пул йиғмайди. Ўз вақтида ажратилган маблағ ҳисобига мактаб таъмирдан чиқарилади-ю, ўқитувчи ҳам меҳнат таътилига хотиржам чиқиб кетаверади!

**Нилуфар НИЁЗОВА,**
"Huquq"

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 май куни тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарини ишга тушириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.**

**Халқ билан ҳамнафаслик, одамлар орасига кириш, аҳоли билан яқиндан мулоқот ўрнатиш бугун ҳар бир раҳбар, ҳар бир мутасадди зиммасидаги энг муҳим, энг долзарб, энг устувор вазифадир. Зотан, ўзини эл-юрт равнақи ва тақдирига дахлдор билган мутасадди учун халқ дарди, ташвиши билан яшашдан ортиқ мезон йўқ.**

# МАҚСАД – ЭЛНИ РОЗИ ҚИЛИШ

**Рашид РАХМАТОВ,**
Наманган вилоят прокурори

Одамлар эртага эмас, айнан бугун ҳеч қандай ялтироқ шиорга ўралмаган, ҳар бирининг турмуши, хонадони, рўзғорида ўз аксини топадиган амалий ўзгаришларни кутмоқда. Шу маънода, бугунги куннинг энг устувор талаби сифатида халқ билан мулоқот қилиш, жойларга чиқиб фуқароларни қийнаётган муаммоларни ўрганиш ва бартараф этиш чораларини кўриш вилоят прокуратураси органларининг доимий эътиборида. Жойларда, айниқса, олис ҳудудларда аҳоли ва тадбиркорлар билан вилоят прокуратураси раҳбарияти иштирокида мунтазам равишда сайёр қабуллар ўтказиб келинмоқда.

Хусусан, Учқўрғон, Поп, Косонсой, Чуст, Тўрақўрғон, Чортоқ, Наманган туманлари ва Наманган шаҳрида ўтказилган сайёр қабулларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг вилоятдаги Халқ қабулхонаси раҳбари, туманлардаги 4 та сектор раҳбарлари ҳамда барча идора-ташкилотлар мутасаддилари иштирок этишди.

Сайёр қабуллар жараёнида жами 354 нафар фуқаролар ва юридик шахслар вакилларининг мурожаатлари тингланди. Мазкур мурожаатларнинг аксарияти уй-жой ва ер ажратиш масалаларига тегишли. Шунингдек, қарздорликни ундириш, аҳоли бандлиги, соғлиқни сақлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти билан боғлиқ, электр энергияси ва сув таъминотини яхшилаш, мактаб таълими, йўл қурилиши ва бошқа масалаларда ҳам мурожаатлар қабул қилинди. Мурожаатлардан 157 таси қаноатлантирилди, 101 таси бўйича тушунтиришлар берилди (уларнинг 87 таси жойида ҳал этилди), 96 таси ҳозирда кўриб чиқилмоқда.

Сайёр қабуллардаги мурожаатлар ҳақида мушоҳада юритар эканмиз, аксарияти маҳалла, жуда бўлмаганда, туман миқёсида ҳал этса бўладиган масалалар экани ойдинлашди. Агар халқ ичига яқинроқ кириб борганимизда, уларнинг дардига чин дилдан қулоқ тутганимизда, эҳтимол, бугун улар бу муаммолари билан қаршимизда туришмасмиди?!

Наманган туманидаги Қумқўрғон маданият саройида ўтказилган сайёр қабул ҳам самарали бўлди. Ушбу туманда 39 нафар фуқаро турли муаммолар билан мурожаат қилди. Уларнинг 32 таси қаноатлантирилди, 7 таси бўйича ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Хонободлик А.Раҳимов асаларичилик йўналиши бўйича имтиёзли кредит олиш истагида эканини баён этди. Унга "Халқ банки" Тошбулоқ филиали орқали 20 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилиши таъминланди.

Шу каби Р.Шамсиева ва С.Султоновага иссиқхона ташкил этиш, Л.Қаҳҳоровага тикувчилик, Д. Комиловага чорвачилик йўналишларида имтиёзли кредитлар ажратилди. Шунингдек, бир қатор фуқароларга ногиронлик аравачаси, қўлтиқтаёқ, эшитиш мосламалари ҳамда тиббиёт муассасалари ва сиҳатгоҳларга бепул йўлланмалар берилди.

"Хўжақишлоқ" МФЙда истиқомат қилувчи Б.Сарбаров Зарафшон кўчасидаги таянчларга электр симларини тортиш юзасидан мурожаат қилди. Унинг мурожаати қаноатлантирилиб, мазкур кўчага 300 метр электр сими тортиб берилди.

Учқўрғон тумани ҳокимлигида ўтказилган сайёр қабулда 18 та мурожаат тингланган бўлса, 6 таси қаноатлантирилди, 12 таси бўйича тушунтиришлар берилди. Қабулга ташриф буюрган "Қумтўғон" МФЙ, Янгиобод кўчасида яшовчи А.Маҳамадалиев ҳамда "Каттачек" МФЙда яшовчи М.Усманова иш билан таъминланганидан мамнун. Фуқаро С.Абдуллаева эшитиш аппарати, Й.Эргашев қўлтиқтаёқ, З.Ахундедаев ногиронлик аравачаси, Ш.Бўрибоев эса кузатувчиси билан бирга сиҳатгоҳга йўлланма берилганидан шод.

Шунингдек, С. Қурбоналиевнинг асоссиз равишда далолатнома тузилиб, 2 миллион 627 минг 396 сўм қарздорлик ҳисобланганини юзасидан қилган мурожаати қаноатлантирилиб,

*Тушунтиришлар натижасида ажрашган оила қайта тикланди.*

қарздорлик бартараф этилди.

Бундан ташқари, Х.Ўринова уй-жойига кадастр ҳужжати олишда амалий ёрдам сўради. Унинг мурожаати ҳам қаноатлантирилиб, кадастр ҳужжатлари тайёрланишида кўмак берилди. Ўз навбатида Х.Ўринова вилоят прокурори номига ташаккурнома ёзиб, миннатдорлик билдирди.

Сайёр қабулларнинг навбатдагиси Поп тумани, "Боғ" МФЙдаги Қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежида ўтказилди. Унда 57 та мурожаат қабул қилинди. Мазкур мурожаатларнинг 24 таси қаноатлантирил-

*Асаларичиликни йўлга қўймоқчи бўлган фуқарога 20 млн. сўм имтиёзли кредит ажратилди.*

ди, 20 таси юзасидан ҳуқуқий асослантирилган тушунтиришлар берилди, айни пайтда 13 таси ўрганилмоқда. Жумладан, Поп тумани, Анҳор маҳалласида яшовчи Валижон Умаров 2018 йил пахта йиғим-терими пайтида фермер хўжаликларига ҳашарчиларни ташигани, бу жараёнда "Поп пахта тозалаш" АЖ ундан 26 миллион 250 минг сўм қарздор бўлгани, бироқ ҳозирга қадар жамият мутасаддилари ушбу қарздорликни бартараф этмай келаётганидан норози бўлиб мурожаат этди.

Унинг мурожаати вилоят прокуратураси раҳбарияти назоратига олинди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида В.Умаровга ҳақи тўлиқ ундириб берилди.

Шунингдек, М.Мирзажонова Республика Онкология шифохонасида ётиб даволаниши учун ордер сўраганди. Унинг мурожаати ижобий ҳал этилиб, шифохонага йўлланма олиб берилди. Шунингдек, А.Жўраев туман тиббиёт бирлашмасида даволаниши учун йўлланма билан таъминланди.

Мазкур тумандаги мурожаатларни ўрганар эканмиз, аксарияти тадбиркорлик учун ер майдони ажратиш, тоза ичимлик суви билан таъминлаш, электр энергияси таъминотини яхшилаш ҳамда уй-жой билан таъминлаш масалаларига тегишли бўлиб чиқди. Албатта, бу каби мурожаатлар мутахассислар билан биргаликда ўрганилмоқда, уларни ҳал этиш чоралари кўрилмоқда.

Чуст тумани "Лайлак-уя" МФЙдаги 10-сонли мусиқа санъат мактабида ўтказилган сайёр қабулда 45 та мурожаат қабул қилинди. Уларнинг 17 таси қаноатлантирилди, 16 таси юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. Ҳозирда 12 та мурожаат ўрганилмоқда. Жумладан, фуқаро С.Кенжаев яшаётган уй-жойи яроқсиз аҳволга келиб қолгани, бошқа уй қуришда амалий ёрдам берилишини сўраган. Унинг мурожаати ўрганилганида, 1951 йилда туғилган Солижон Кенжаев кам таъминланган оилалар рўйхатида туриши, икки нафар ўғли, бир нафар набираси ва келини билан бирга яшаши маълум бўлди, турмуш ўртоғи вафот этган. Икки нафар ўғли ҳам биринчи гуруҳ ногирони, кўзи ожиз. Ушбу фуқаронинг яшаш хонадони ён томонига уч хонали уй қуриш ишлари бошланди. Айни пайтда пойдевор қисмига бетон қуйилиб, пишган ғиштдан девор уриш ишларига киришилди.

Яна бир аёл оиласида жанжал бўлаётгани сабабли, эри билан ажрашиб кетганини, оиласини тиклаш нияти борлигини билдирди. Туман ҳокимининг хотин-қизлар бўйича ўринбосари ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда ушбу оила яраштирилди. Бу билан икки мурғак қалб ота дийдоридан мосуво яшашдан асраб қолинди.

Тўрақўрғон тумани "Исвахон" МФЙ ҳудудидаги маданият саройида ўтказилган сайёр қабулда ҳам кўплаб фуқароларнинг мурожаати тингланди. Шу куни 63 та мурожаат қабул қилинган бўлса, шундан 12 таси қаноатлантирилди, 24 таси бўйича эса ҳуқуқий тушунтиришлар берилди, 27 таси ҳозирда ҳал қилинмоқда.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотлар ўтказиш, уларни қийнаётган муаммоларни аниқлаш ва жойида бартараф этиш, шунингдек, бу борада уларга яқиндан амалий ёрдам бериш ва турмуш даражаларини яхшилаш каби эзгу мақсадга йўналтирилган сайёр қабуллар изчиллик билан давом этмоқда.

QILMISH – QIDIRMISH



# 22 ЙИЛ АВВАЛГИ ҚОТИЛЛИК

**Бош прокуратура ва ИИВ томонидан узоқ вақт давомида очилмаган жиноятларни фош этиш юзасидан тизимли чора-тадбирлар амалга оширилиб, ҳар бир жиноят учун жазонинг муқаррарлигини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.**

Бош прокуратуранинг Ўта оғир жиноятларни тергов қилиш бошқармаси томонидан фуқаро С.П.нинг жасади қотиллик аломатлари билан топилганлиги ва онаси А.П.га нисбатан содир этилган қотилликка суиқасд қилиш ҳолати юзасидан Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми билан қўзғатилган жиноят иши бўйича дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Аниқланишича, 1997 йил 9 февралда соат тахминан 17:10 ларда Учтепа (собиқ А.Икромов) тумани, Чилонзор 12-даҳа, 6 а-уйда яшовчи 1962 йилда туғилган С.П.нинг жасади қотиллик аломатлари билан ҳамда унинг онаси 1926 йилда туғилган А.П. нинг санчувчи-кесувчи жисм ёрдамида етказилган тан жароҳатлари билан топилган.

Мазкур жиноят иши юзасидан Бош прокуратуранинг Ўта оғир жиноятларни тергов қилиш бошқармаси томонидан тергов-тезкор гуруҳи тузилиб, амалга оширилган кенг қамровли тадбирлар натижасида жиноят фош этилди.

Терговда аниқланишича, М.И. ва А.Т.лар ўзаро жиноий тил бириктириб, ўзганинг мулкини босқинчилик йўли билан талон-торож қилиш мақсадида С.П. ва А.П.ларга пичоқ билан тан жароҳатлари етказиб, хонадонда мавжуд бўлган қимматбаҳо буюмларни қўлга киритишган.

М.И. ва А.Т.ларнинг содир этган жиноятлари уларнинг иқрорлик кўрсатувлари, жиноят содир этилган жойда аниқланган бармоқ излари, таниб олиш учун кўрсатиш, кўрсатмаларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ва юзлаштириш тергов ҳаракатлари ҳамда бошқа далиллар мажмуи билан тўлиқ ўз исботини топган.

2019 йил 27 май куни М.И. ва А.Т.лар Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми "а", "в", "ж", "и","п" бандлари билан гумон қилинувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниб, тегишли процессуал тартибда ушланган.

Жиноят иши юзасидан тергов ҳаракатлари Бош прокуратуранинг Ўта оғир жиноятларни тергов қилиш бошқармаси томонидан олиб борилмоқда.

**Бош прокуратуранинг Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими**

TADBIR

# ЧЕГАРА ДАХЛСИЗЛИГИ — ТИНЧЛИК КАФОЛАТИ

**Азизбек МЎМИНОВ,**
Тошкент ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси

Дунёнинг турли нуқталарида тобора мураккаблашиб бораётган вазият, шунингдек, наркотрафик, халқаро терроризм, экстремизм кенг тус олаётган баъзи мамлакатларда юзага келган беқарорликдан хулоса чиқарган ҳолда мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш, давлатимиз чегараларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш борасидаги чораларни янада кучайтиришни тақозо этмоқда. Буларнинг барчаси биздан доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишни, яқин атрофимизда бўлаётган ҳар қандай ноқонуний ҳаракатларга эътиборли бўлишни, чегарани бузиб ўтишга бўлаётган ҳар қандай уринишларни бартараф этишга тайёр туришни талаб қилади. Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар бошқа ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида тарғибот тадбирлари ўтказмоқда.

Хусусан, Тошкент ҳарбий прокуратураси томонидан Давлат чегараси яқинида истиқомат қилувчи аҳоли билан "Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида"ги Қонун мазмун-моҳияти тушунтирилиб, шунингдек, фуқаролар томонидан давлат чегарасининг бузилиши билан боғлиқ жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича қонунчилик тарғиботи тадбирлари ўтказилиб келинмоқда. Ана шундай тадбирлар Давлат хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси, Республика хотин-қизлар қўмитаси ва ҳудудий ички ишлар бўлимлари билан ҳамкорликда Тошкент вилоятининг Қибрай, Тошкент, Зангиота, Бекобод, Бўка, Пискент, Чиноз, Янгийўл туманларида ҳамда Бекобод шаҳрида республикамизнинг қўшни давлатлар билан чегарасига яқин ҳудудларида жойлашган маҳалла фуқаролари йиғинларида истиқомат қилувчи аҳоли ўртасида ўтказилди.

Йиғилиш иштирокчиларига Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 август куни қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида"ги Қонуни мазмун-моҳияти ҳамда чегарани Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидан бошқа жойдан ёки ўтказиш пунктлари орқали бўлсада, чегарани кесиб ўтиш қоидаларини бузган шахсларга нисбатан жазо чоралари қўлланилиши тушунтирилди. Шунингдек, тегишли рухсатсиз техника воситалари билан ҳам чегарани кесиб ўтиш Давлат чегарасини бузиш ҳисобланиши, уларга ҳам қонун доирасида тегишли чоралар кўрилиши айтиб ўтилди.

Мазкур тадбирларда иштирок этган фуқароларга бугунги кунда мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, халқаро терроризм ва диний экстремизм ҳамда одам савдосига қарши курашиш, чегара билан боғлиқ жиноятчилик юзасидан тушунтиришлар берилди.

Тадбир якунида чегара ҳудуди яқинида истиқомат қилувчи аҳоли ўзларини қизиқтирган барча саволларига жавоблар олишди.



**Жорий йил 27 май куни «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармони қабул қилинди.**

# ТЕРГОВ ЖАРАЁНИДА ЯНГИЛИК



## БУНДАЙ ҲАРАКАТЛАР ВИДЕОКОНФЕРЕНЦАЛОҚА РЕЖИМИДА ЎТКАЗИЛИШИ МУМКИН

**Алишер ИМОМНАЗАРОВ,**
Бош прокуратура бошқарма бошлиғи

Давлат раҳбари раҳнамолигида Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, мамлакатни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар фикримизни тасдиқлайди. Нега деганда, айнан Ҳаракатлар стратегияси доирасида суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ишончли ҳимоя қилинадиган жамиятда фаровон турмуш кечиришларини таъминлашдир. Бу борада қонунчилик базаси янада мустаҳкамланиб бормоқда.

Жорий йил 23 май куни "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун Президент томонидан имзоланди.

Унга мувофиқ, "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиб, прокурор эндиликда терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг ҳам ноқонуний қарорларини бекор қилиш ҳамда суриштирув муддатини узайтириш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилди.

Шунингдек, киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга мувофиқ, қонунларнинг жиноятчиликка қарши курашишни амалга оширувчи органлар томонидан ижро этилиши устидан назорат қилиш жараёнида прокурор ўз ваколатлари доирасида суриштирув ва дастлабки тергов органларидан, шунингдек терговга қадар текширувни ёки тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлардан жиноят ишларини, терговга қадар текширув, тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув ва дастлабки тергов ҳужжатлари ва материалларини ҳамда бошқа маълумотларни текшириш учун талаб қилади; содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар ҳақидаги аризалар ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ҳамда ҳал этиш тўғрисидаги қонун талабларининг ижросини ҳар ойда камида бир марта текширади; терговчилар ва суриштирувчиларнинг, шунингдек терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг қонунга хилоф ҳамда асоссиз қарорларини бекор қилади.

*Прокурор суриштирув муддатини узайтириш ҳуқуқига эга.*

Булардан ташқари, прокурор жиноятларни тергов қилиш, эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш, жиноят тавсифини белгилаш, айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш, айрим тергов ҳаракатларини бажариш ва жиноят содир этиб яширинган шахсларни қидириш тўғрисида ёзма кўрсатмалар беришга; терговга қадар текширувни ёки тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга ушлаш, мажбурий келтириш, қидириш, тинтув ўтказиш, олиб қўйиш тўғрисидаги қарорларни ва суднинг қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги ажримини ижро этишни, бошқа тергов ҳаракатларини, шу жумладан, прокурорнинг ёки прокуратура терговчисининг иш юритувида бўлган ишлар юзасидан тергов ҳаракатларини бажаришни топширади, жиноятларни очиш ва жиноят содир этган шахсларни топиш учун зарур чоралар кўриш тўғрисида кўрсатмалар беришга; суриштирувда, дастлабки терговда иштирок этиш ҳамда зарур ҳолларда, жиноят-процессуал қонунга мувофиқ ҳар қандай иш бўйича айрим тергов ҳаракатларини шахсан бажариш ёки терговни тўла ҳажмда амалга ошириш ҳақли эканлиги белгиланди.

Умуман олганда, прокурорнинг жиноятчиликка қарши курашишни амалга оширувчи органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш бўйича бир қатор ваколатлари аниқ-равшан белгилаб қўйилди. Бу ваколатлар ўз навбатида соҳа вакилларидан юксак масъулият талаб қилади.

Киритилган янгиликдан яна бири — суриштирувчи лавозимига ҳам прокурор ва терговчи учун қўйилган талабларга жавоб берадиган фуқаролар, яъни олий юридик маълумотга эга, зарур касбий фазилатлари бўлган, зиммаларига юкланадиган хизмат вазифаларини бажаришга соғлиғи имкон берадиганлар тайинланиши билан боғлиқ бўлди.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, эндиликда тергов ҳаракатлари шахсларни турган жойидаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига келтирган ҳолатда видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши мумкин. Бунинг учун кўрсатилган шахслар улар турган жойдаги ёки яшаш жойидаги вилоятнинг ёки туманнинг ёхуд шаҳарнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органига ёки судига чақирилади.

Терговни видеоконференцалоқа орқали ўтказишга қуйидагилар асос бўлади:

— шахснинг терговга соғлиғи ёки бошқа узрли сабабга кўра боролмаслиги;

— жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш зарурати туғилганда;

— кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари ўтказилганда;

— тергов ўтказиш қийинлашиши ва ортиқча харажатлар келтириб чиқариши мумкинлиги ҳақида асослар бўлганида.

Жараёнда тергов ҳаракати иштирокчилари унинг бориши ва натижаларини тўғридан-тўғри трансляция орқали бевосита кузатиб боради. Бундай тарзда ўтказилган тергов ҳаракати жараёни ва натижалари электрон ташувчиларга ёзилади ва қайд этилади. Баённома тузилади, унга видеоконференцалоқа материаллари қўшиб қўйилади. Бунда видео ёзувининг вақти ўтказилган тергов ҳаракатининг аниқ вақтига мос келиши, танаффуслар юзасидан изоҳ берилиши ҳамда улар видеоёзувда ва баённомада акс эттирилиши керак.

Эслатиб ўтамиз, 2018 йил 19 октябрдан жиноят ишлари бўйича очиқ суд мажлисларини видеоконференцалоқа режимида ўтказишга рухсат берилган. Шу тариқа, энди иш юритишнинг барча босқичларида мазкур технологиялардан фойдаланиш мумкин.

Шу жумладан бу озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганлар ва жазони ўтаётганларга ҳам тааллуқли. Уларга ҳам ҳимояланган алоқа каналлари бўйича видеоконференция тизими орқали масофали видеоучрашув берилиши мумкин.



# Хорижга кетганлар қайтарилмоқда

**Комил ЁРИЕВ,**
Навоий вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

**Кейинги йилларда қабул қилинган қарорларнинг мазмун-моҳиятида, биринчи навбатда, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, сектор раҳбарлари томонидан ўтказилаётган сайёр қабуллар давомида фуқароларимиздаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, яратилаётган иш ўринлари орқали аҳоли бандлигини таъминлаш каби эзгу ишлар мужассам.**

Навоий вилоятида 2018 йилда умумий қиймати 940,7 миллиард сўмлик жами 420 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилиб, 4 минг 62 та янги иш ўрни яратилди. Бу даврда, шунингдек, 17 та тикув-трикотаж лойиҳалари ишга туширилиб, 479 та янги иш ўрни яратилди. Биргина Навоий шаҳрида ишга тушган "Бахт текстил" МЧЖ томонидан калава ип ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга тушиши натижасида 144 та янги иш ўрни яратилишига эришилди.



Президентимизнинг Навоий вилоятига ташрифи давомида 2019-2020 йилларда 511 та умумий қиймати 26 триллион 284 миллиард 581 миллион сўмлик инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши белгиланган бўлиб, жорий йилда қиймати 5 триллион 231 миллиард 246 миллион сўмлик 424 та, кейинги йилда эса 21 триллион 53 миллиард сўмлик 87 та лойиҳани ишга тушириб, 15 минг 964 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Бугунги кунда ушбу лойиҳалардан 368 таси бўйича 1 триллион 250 миллиард 983 миллион сўмлик инвестициялар ўзлаштирилиб, қиймати 161 миллиард 732 миллион сўмлик 85 та лойиҳа ишга туширилди ва 536 та янги иш ўрни ташкил этилди. Жумладан, жорий йилда Қизилтепа туманидаги "Golden laki fish" МЧЖ томонидан балиқ етиштириш лойиҳаси ишга тушиши натижасида 30 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Бундан ташқари, аҳолига кредит маблағлари ажратилиши, уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, томорқа маданиятидан самарали фойдаланиш орқали жорий йилда 316 та оилани кам таъминланганлар рўйхатидан чиқарилишига, шунингдек, ишсизлар сонининг 939 тага камайишига эришилди.

*Оиласи бағрига қайтарилган фуқароларнинг 1 303 нафари иш билан таъминланди.*

Шундай бўлса-да, айрим фуқаролар иш излаб, хорижий давлатларга чиқиб кетишмоқда. Вилоят прокуратураси томонидан узоқ муддатга хорижга чиқиб кетган фуқароларнинг кетиш сабаблари таҳлил қилинди. Биринчи навбатда, уларнинг манзили рўйхати шакллантирилиб, вилоят прокурорининг чора-тадбирлар дастури тасдиқланди ҳамда туман-шаҳар прокурорларига 2019 йил давомида белгиланган режа-жадвал асосида уларни оиласи бағрига қайтариш юзасидан алоҳида топшириқлар юборилди.

Ўтказилган ўрганиш ва таҳлиллар натижасида вилоят ҳудудида 15 минг 983 нафар фуқаро иш излаб, хорижга чиқиб кетгани маълум бўлди. Рўйхат асосида чиқиб кетган фуқароларнинг оила аъзолари, қариндош-уруғлари билан ўтказилган манзилли тадбирларда давлатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, мавжуд бўш иш ўринлари, келгусида яратилиши режалаштирилган янги иш ўринлари ҳақида кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди.

Ўтказилган тадбирлар самарасиз қолмади. Қисқа муддат ичида 4 минг 88 нафар хорижга чиқиб кетган фуқароларнинг оиласи бағрига қайтарилишига ҳамда 1 минг 303 нафарининг иш билан бандлигини таъминланишига эришилди.

Мазкур йўналишда белгиланган аниқ чора-тадбирлар ижроси давомида хориж давлатларида сарсон-саргардонликда, қариндош-уруғларининг яхши-ёмон тадбирларида иштирок этмаётган фуқароларимизни ўз уйларига қайтаришнинг барча чоралари кўрилади.

**Зомин туманидаги Ўриклисой қишлоғида барпо этилиб, фойдаланишга топширилган 150 ўринли санаторийнинг 50 ўрни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари учун ажратилди.**

# БОЛАЛАРГА БЕРИНГ ДУНЁНИ!



**Болалик — тасаввуримиздаги энг бахтли ва қувончли дамлар. Гўё дунёда ҳеч қандай ташвиш йўқдек. Болалик ҳақиқатдан ҳам инсон ҳаётининг шошқалоқ, лекин энг тоза, беғубор, олтинга тенг давридир. Шу боисдан ҳам дунёда бола кулгуси, қувончи ва шодлигидан завққа тўлмаган инсон бўлмаса керак.**

Норбўта ҒОЗИЕВ,
«Huquq»

Бироқ дунёдаги барча мамлакатлар болаларининг болалигини шундай деб бўлмайди. Бугунги кунда 75 миллионга яқин бола қуролли тўқнашув ҳамда табиий офатлар туфайли азият чекмоқда. Бу ҳолат уларни илм олиш имкониятидан маҳрум қилган. Жанубий Суданда 72 фоиз мактаб ёшидаги бола мактабга бормайди. Чадда бу кўрсаткич 50, Афғонистонда 46 фоизни ташкил этади. 168 миллионга яқин бола мажбурий меҳнатга жалб этилган. Шундан 5 миллион нафари қуллик шароитида ишлайди.

Хусусан, Осиё — Тинч океани минтақасидаги мамлакатларда 78 миллион, Африкада 59 миллион, Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзасида 13 миллион, Яқин Шарқ ва Шимолий Африкада 9 миллиондан ортиқ бола мажбурий меҳнатга маҳкум этилган. Дунё бўйича 20 миллионга яқин бола вакцинациядан четда қолмоқда. Жанубий Суданда 270 минг вояга етмаган тўйиб овқатланмайди.

## *ЮНИСЕФ 2021 йилгача 13,6 млн. болани таълимга жалб қилишни режалаштирган.*

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) 2021 йилгача 3,85 миллиард доллар тўплаб, 13,6 миллион болани таълимга жалб қилишни режалаштирган. Шунингдек, жамғарма 2030 йилга бориб 75 миллион боланинг таълим олишига ёрдам кўрсатишни мақсад қилган.

Халқимизга хос маънавий қадриятлардан бири болажонликдир. Зеро, фарзандини кўз қорачиғидек авайлаб-асрайдиган, ҳамиша ва ҳар қачон болам деб яшайдиганлар ҳам бизнинг халқимиздир. Аҳолисининг 40 фоизини болалар ташкил этадиган мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналиши — болаларнинг жисмоний, интеллектуал ва маънавий ривожланиши учун қулай ва энг яхши шароит яратиш, шунингдек, кўп болали оилаларни, етим болаларни ва оила муҳитидан маҳрум бўлган болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат.

Бугунги кунда юртимизда болаларни ижтимоий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан ҳимоя қилиш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Оила кодекси, Фуқаролик кодекси, Меҳнат ва Жиноят кодекси ҳамда бошқа бир қатор қонун ҳужжатларида болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид нормалар ўз ифодасини топган.

Маълумот учун айтиш жоизки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда бола ҳуқуқларига доир юздан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси болалар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид қиркка яқин халқаро ҳужжатнинг иштирокчисидир.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин ратификация қилган энг биринчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияси бўлди. Оналик ва болаликни қўллаб-қувватлаш, болаларнинг маънавий ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, Конвенция талабларига риоя этилишини таъминлаш соҳасида ҳам мамлакатимизда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Юртимизда амалга оширилаётган "Соғлом она — соғлом бола" Миллий дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида ҳудудларда замонавий тиббиёт муассасалари тармоғи, шу жумладан, республика ихтисослаштирилган педиатрия, акушерлик ва гинекология илмий-амалий марказлари, перинатал ва скрининг марказлари, туғруқхона мажмуалари, кўп тармоқли ҳудудий болалар тиббиёт марказлари ташкил этилди.

Шу билан бирга, болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг баркамол авлод бўлиб етишишини таъминлаш борасидаги фаолиятнинг институционал ва ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш зарурати тобора ортиб бормоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йил 11 февралда "Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва 22 апрелда "Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорларга имзо чекди.

Мазкур ҳужжатлар юртимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг қалбида меҳр-оқибат ва инсонийлик туйғусини янада кучайтиради. Уларда болаларнинг рўйхатда туриш жойи ва фуқаролигидан қатъи назар, уларга барча ижтимоий хизматлар кўрсатилиши, уларнинг давлат органларига бевосита мурожаатларини тўлиқ кўриб чиқиш кафолатланиши ва бола тўлиқ муомала лаёқатига эга эмаслиги важлари билан бу турдаги мурожаатларни кўрмасдан қолдиришга йўл қўйилмаслиги белгиланган. Болаларни ҳимоя қилиш мақсадида судларга ариза билан мурожаат қилган даъвогар давлат божи ва бошқа тўловларни тўлашдан озод этилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари-Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозими жорий этилади ва Котибият тузилмасида бола ҳуқуқларини таъминлаш фаолиятига кўмаклашувчи икки нафар бошқарув ходими бўлган сектор тузилади.

2019-2020 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларига абитуриентларни қабул қилишнинг умумий сонидан Меҳрибонлик уйи ва Болалар шаҳарчасининг битирувчилари бўлган чин етимлар учун қўшимча равишда бир фоизгача давлат гранти асосидаги қабул квоталари ажратиш тартиби жорий этилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсни ёлланма сифатида жалб этиш, ўқитиш, молиялаштириш ёки унга бошқа моддий таъминот бериш, худди шунингдек, ундан ҳарбий тўқнашув ёки ҳарбий ҳаракатларда фойдаланиш жиноятлари учун жавобгарликни оғирлаштирувчи нормалар билан тўлдиришни назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилади ва ҳоказо.

Ўзбекистон Республикаси бола ҳуқуқларини таъминлашда БМТнинг Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакти, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига ва ирқий камситишларга барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция ва бошқа асосий халқаро шартномаларга ҳам таянади.

Ёзги соғломлаштириш мавсуми 1 июнь — «Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни»дан бошланади. Оромгоҳларда касаба уюшмалари федерацияларининг томонидан кам таъминланган оилалар фарзандлари жамоа шартномалари ва келишувлар орқали бепул ва имтиёзли, шунингдек, Меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари ва жисмоний имконияти чекланган болалар бепул йўлланмалар билан таъминланади.

Ёзги таътил пайти оромгоҳларда ёш авлоднинг маънавиятини юксалтириш, дунёқарашини кенгайтириш, миллий истиқлол ғояларига садоқат, ватанпарварлик ва фидойилик руҳида тарбиялаш мақсадида турли маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказилади.

## Энди бор меҳрим шу азиз фарзандларим, оилам учун

Ҳамид ТОҒАЕВ,
МИБ Термиз шаҳар бўлими бошлиғи

**Айни вақтда Бюронинг Сурхондарё вилоят ва унинг ҳудудий бўлимларида алимент ундириш билан боғлиқ 16 мингдан ортиқ ижро ҳужжатлари мавжуд.**

Ижро ҳужжатлари ижросини таъминлаш жараёнида МИБ ходимлари нафақат алимент қарзини ундиришга, балки баъзи сабаблар билан ажралишган оилаларни яраширишга ҳам кўмаклашмоқда. Жорий йилнинг шу даврига қадар алимент билан боғлиқ 1 863 та ижро ҳужжати тамомланди, шу жумладан, 260 дан ортиқ оила ўзаро ярашганликлари сабабли ижро ҳаракатлари тўхтатилди.

Халқаро оила куни муносабати билан Термиз шаҳридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази биносида Бюронинг вилоят бошқармаси, Термиз шаҳар бўлими ходимлари ҳамда марказ раҳбарлари иштирокида яна 4 та оила яраштирилди.

Ота-оналарга эсдалик совғалари топширилди.

Тадбир қатнашчиларидан бири шундай деди: Мен оила муқаддас даргоҳ эканлигини тушуниб етдим. 3 та фарзандимнинг тақдирини ўйламай, уларни тирик етим қилиб қўйган эканман. Фарзанд учун ота-онанинг меҳри нақадар қадрли эканини кеч бўлса-да, англадим. Эндиликда бор меҳримни шу азиз фарзандларим ва оилам учун сарфлайман. Албатта, оилам мустаҳкам бўлиши учун кўмаклашган мутасаддиларга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Бу каби тадбирлар вилоят бўйлаб давом этмоқда.





**Президент мактабларига ҳужжатларнинг онлайн қабули 1 июндан бошланади.**

# ЗИЁРАТНИ БАРБОД ҚИЛГАН «ТУРФИРМА»

**Бутун умрини фарзандларига бағишлайдиган халқмиз. Шундан бўлса керак, ҳар бир ота-она болачақасини оилали, уйли-жойли қилиб, уларнинг ташвишидан салгина енгиллаганидан сўнг муқаддас динимизнинг фарз амалларидан бўлган ҳаж ва умра зиёратларига бориш ҳаракатига тушиб қолади.**




**Мирзобедил НАЗАРОВ,**
Бағдод туман прокурори

Мамлакатимизда фуқароларнинг виждон эркинлиги ва диний қоидаларга амал қилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 июндаги "ҳаж" ва "умра" тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори мазкур зиёратларни юқори савияда ташкил этишда муҳим аҳамият касб этди.

Қарорга асосан ҳаж зиёратини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ муҳим вазифалар белгилаб берилган низом қабул қилинди. Унда ҳаж ва умра зиёратларини ихтиёр этаётган юртдошларимизнинг ягона онлайн навбат тизимини яратиш ва уни ҳар йили янгилаб бориш, навбатда турган зиёратчиларнинг доимий яшаш манзили ўзгарган ҳолатда ҳам уларнинг навбати ўша жойда сақланиб қолиши, авиачипталар нархини арзонлаштириш, барча босқичдаги тиббий кўрикнинг бепул амалга оширилиши ва ҳаж зиёрати билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам ўз ечимини топган.

Гапнинг сирасини айтганда, бугун "ҳожи" бўлишни ният қилганларга енгилликлар яратилди. Аммо баъзи содда одамларимиз пул учун имонидан кечган, ҳатто муқаддас динимиз фарзларини бажаришга бел боғлаган инсонларни ҳам тунашдан орланмайдиган кимсаларнинг тузоғига илиниб қолишмоқда.

Хуррам Ниёзов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 2015 йилда МЧЖ шаклидаги сайёҳлик фирмаси очиб, талабгорларнинг мамлакатимиз тарихий жойларига саёҳатини ташкиллаштириш билан шуғулланиб келарди. Аста-секин бу борада тажрибаси ортиб, энди ўзини халқаро сайёҳликни ташкил қилишда ҳам синаб кўрмоқчи бўлди. Унинг бу мақсади яхши, бироқ асл нияти қора эди-да.

У ҳаж ва умра зиёратига бориш истагидаги фуқароларни жалб қилиш мақсадида туман марказидаги аҳоли гавжум жойларда ўзининг реклама ва эълонларини ўрнатди. Қарабсизки, орадан кўп ўтмай офисининг эшигини тақиллатиб келувчилар пайдо бўлди. Шундай "ўлжа"лардан бири фуқаро М.Умаров бўлди.

Ўтган йилнинг апрель ойида Хуррам эълон бўйича келган Маҳмуд ака билан обдон суҳбатлашди. Суҳбат асносида у мижозни 14 миллион сўм эвазига "Ўзбектуризм" миллий компанияси орқали умра зиёратига юборишга ишонтирди. М.Умаров бу "уддабурон" йигитни диёнатли бўлса керак, деб ўйлади, чамаси, сўралган миқдордаги пулларни унга келтириб берди ва зиёрат тадоригини бошлаб юборди. Аммо бир муддат ўтгач, аввалига ваъдани катта қилган Х.Ниёзов бошқа гап топиб келди. Нима эмиш, уни умрага жўната олмас экан-у, лекин Тошкентдан ҳажга юборармиш. М.Умаров бу гал ҳам унинг алдовига чув тушди. 2018 йилнинг 4 июнь куни яна 21 миллион сўм олиб келиб, фирибгарга қўш-қўллаб топширди. Хуррам пулни куртдай санаб олаётганида мижозига кўнглини тўқ қилишини тайинлашни ҳам унутмади. Шу тариқа у отахоннинг кўнглини тўқ, 35 миллион сўмни эса "йўқ" қилди.

Бу пайтда унинг қармоғи қўнғироғини чалаётган биргина М.Умаров эмасди. Фирибгарнинг фуқароларни Саудия Арабистони давлатига зиёратга юбораётганидан хабар топган Абдужалил Қосимов Хуррамнинг ҳузурига келиб, турмуш ўртоғи билан умрага бориш ниятида эканлигини маълум қилади. Ўз оёғи билан келиб турган ўлжани қўлдан чиқариб юбормаслик учун уни ҳам авраб, ваъдани қуюқ қилди. Чол-кампирни зиёратга юбориш учун тўлов сифатида 28 миллион сўмни қўлга киритиб, яна эски найрангини қўллади. Яъни умра масаласи ҳал бўлмаганини айтиб, пойтахт орқали ҳажга юборишни ваъда қилди ва уларни яна 42 миллион, жами бўлиб 70 миллион сўмга "аъзо" қилди.

У даромад келтираётган усул билан яна 8 нафар "ҳожи" бўлиш ниятидаги фуқароларни ҳам тузоғига "илинтирди". Хусусан, С.Салимовни 16 миллион, И.Азимовни 35 миллион 600 минг, М.Давроновани 35 миллион, С.Баратовни 32 миллион, М.Имомовани 16 миллион, К.Маликовани қарийб 19 миллион, Х.Бакировани 17 миллион ва Н.Холиқовни 17 миллион 600 минг сўмга "ухлатиб" кетди.

Умуман олганда, Х.Ниёзов ҳаж ва умра зиёратига юбораман деб, 10 нафар фуқаронинг қарийб 300 миллион сўм маблағини ўзлаштирди.

"Ўрганиб қолсанг, бировнинг ошига, кунда борарсан анинг қошига" деганларидек, текин луқмага ўрганиб қолган фирибгар ҳар бир қадамида кимгадир фириб бериш ҳақида ўйлайди чоғи, Х.Ниёзов кекса отахон-онахонларни чув тушириш билан бирга ижарага "Isuzu" русумли автобус ҳайдаб юрган фуқарони ҳам "аҳмоқ" қилиб кетди. Гап шундаки, у Р.Қиёмовнинг ишончига кириб, агар ўзининг сайёҳлик фирмаси орқали фуқароларни юртимизнинг Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларига олиб бориб келса, ҳар бир сайёҳ учун маълум ҳақ беришини айтди. Ўтган йилнинг июнь-август ойларида Р.Қиёмов 3 марта сайёҳларни саёҳатга олиб бориб келди. Ҳисоб-китоб вақти келганда эса Хуррам тутқич бермай, ҳайдовчини 4 миллион 300 минг сўмга туширди.

Жиноят ишлари бўйича Бағдод туман судида Х.Ниёзовнинг қилмишлари атрофлича ўрганилиб, унга 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Шу билан бирга, унга жабрланувчиларга етказилган зарарни тўлаш мажбурияти ҳам юклатилди.

Хулосани қуйидаги мисол билан якунламоқчимиз. Буюк саҳобий Абу Дардо розияллоҳу анҳу саҳобалар орасида масжидга ҳаммадан эрта келиб, ҳаммадан кеч кетиши билан Расулуллоҳнинг назарларига тушган саҳоба эди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом Абу Дардони шу одатлари учун яхши кўрар эдилар. Аммо хурмо пишган пайтда Абу Дардо масжидга кеч келиб, эрта кетадиган бўлиб қолди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам: "Эй Абу Дардо, сенга нима бўляпти, ўзгариб қолдинг? Кеч келиб, эрта кетадиган бўлиб қолдинг?", деб сўраса, шунда у: "Ё Расулуллоҳ, қўшнимнинг хурмоси пишган, унинг шохлари ҳовлимга осилган. Хурмо пишса, меваси менинг ҳовлимга тўкилади. Болаларим қўшнимнинг хурмосини еб қўйишидан қўрқаман, шунинг учун ҳар куни эрталаб бомдодга кетишдан аввал кечаси тўкилганларини тўплаб, қўшнимга чиқариб юбораман. Масжиддан тезроқ қайтиб бориб, яна кундузи тўкилганларини болаларим еб қўймасин деб, тўплаб, қўшнимга чиқараман. Узрим мана шу", деган эканлар. Шунда Пайғамбар алайҳиссалом хурсанд бўлганлар, Абу Дардонинг ҳаққига барака тилаб дуо қилганлар.

Афсуски, Х.Ниёзов бундай ҳикматлардан бехабар экан. Акс ҳолда, келиб-келиб ҳаж ва умра зиёрати учун мисқоллаб маблағ йиққан инсонларнинг ҳаққига хиёнат қилмаган, осонгина жиғилдонига урмаган бўларди.



# МУСОДАРА ҚИЛИНГАН МАБЛАҒ

## ҳаж ниятида йиғилган эди

**Мустақим КУЛДАШЕВ,**
Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси бўлим бошлиғи

Ҳажга бориш харажатлари бир неча минг долларни ташкил этгани сабабли, ушбу амални адо этишни мақсад қилганлар ўз иқтисодий ҳолатидан келиб чиқиб, унга етарли маблағни бир неча йил давомида йиғадилар. Фуқаро Қобил Омонов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам турмуш ўртоғи Феруза Дадаева билан ҳаж амалини адо этишни мақсад қилиб, йиллар давомида пул йиғадилар. Бу дунё бежизга омонат, деб айтилмайди. Пул йиғиб, ушбу сафарга бориш учун навбатга ёзилган Қ.Омоновга ҳажга бориш насиб қилмайди. У вафот этади. Пул эса икки кишининг харажати учун тўпланганди. Навбат келишига ҳали бир неча йил бор. Шундан сўнг Ф.Дадаева сафар учун жамғарган пулларини ўғлига бериб, банкка омонатга қўйиб келишни тайинлади. Аммо ўғил Аъло Омонов ўтган йилнинг 24 сентябрь куни онасига қўнғироқ қилиб, ушбу пулларнинг ярмидан айрилиб қолганини айтади.

А.Омонов ўша куни онаси берган 24 минг 600 АҚШ долларини олиб республикамизда фаолият юритаётган банклардан бирига омонат қўйиш учун йўлга чиқади. Манзили томон кетаётганида, қўл телефонига дўсти Шокир Мирзаев қўнғироқ қилиб, бир танишига 12 минг АҚШ доллари кераклигини, агар ёнидаги пулдан бериб, шу ишни битириб юборса, 3-4 кунда танишларидан арзонроқ нархда доллар сотиб олиб беришини айтади.

*600 минг сўм ишлаб олишни кўзлаган ўғил онасининг ҳажга йиққан пулларини айирбошламоқчи бўлди.*

Аъло машинасини йўл четига тўхтатиб, дўстининг таклифини ўзининг тарозисига солиб кўрди. Агар Шокир гапида турса, ушбу савдо ортидан 600 минг сўм ишлаб олишини хомчўт қилди. Қачон бўлса-да, пулларни тўғрилаб, банкка топшириб қўйса бўлди-да, онаси билиб ўтирибдими. Мўмай даромад А.Омоновнинг кўзини кўр қилади. Ноқонуний валюта олди-сотдиси учун қонуний чора кўришилини билса-да, у бу ишдан қайтмайди. Ш.Мирзаевга қайтиб қўнғироқ қилади ва 12 минг АҚШ долларини қаерга олиб боришини сўрайди. Шокир Яккасарой туман ҳудудидаги кафелардан бирида уни Ифора исмли аёл кутиб туришини айтиб, унинг телефон рақамини беради.

Аъло дўсти айтган манзилга боргач, онаси берган пулдан 12 минг АҚШ долларини олиб, Ифорага қўнғироқ қилади. Аёл сўмни тахт қилиб қўйгани, пулни олиб келса, алмаштириб олишини айтади. Хуллас, А.Омонов мижозга 12 минг АҚШ долларини бериб, ундан 99 миллион 600 минг сўмни олган вақтида Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари томонидан қўлга олинди. Ашёвий далил сифатида баҳоланган 12 минг АҚШ доллари давлат фойдасига мусодара қилинди.

Мазкур ҳолат жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман судининг "Муҳандислар" маҳалла фуқаролар йиғини биносида бўлган очиқ сайёр суд мажлисида кўриб чиқилиб, айбдорга нисбатан жарима жазоси тайинланди.

**Сурхондарё вилоятининг қўшни Туркманистон Республикаси билан чегарадош Музработ туманидаги Чегарачи маҳалласи ҳудудида барпо этилган Сурхонобод темир йўл станцияси фойдаланишга топширилди.**

**FAOLIYATIDAN**

# "Кўки"га сотилган қўй

**Ҳусниддин ТУГАЛОВ,**
Департаментнинг
Тошкент вилоят бошқармаси
тармоқ катта инспектори

**Бугунги кунда жаҳон аҳлини жиддий хавотирга солаётган муаммолардан бири пулларни қалбакилаштириш жиноятидир. Айни вақтда мазкур жиноят барча давлатларда тобора хавфли тус олаяпти.**

Маълумки, пулларни қалбакилаштириш биринчи навбатда мамлакатнинг пул-кредит тизимини издан чиқариб, миллий валюта барқарорлигига жиддий зиён етказади. Шу сабабдан ҳам ҳар бир давлатнинг миллий валютасида "қалбакилаштириш қонунга мувофиқ таъқиб қилиниши" тўғрисидаги ёзув мавжуд. Шундай бўлса-да, айрим шахслар қалбаки пулларни тайёрлашга ёки ўтказишга ҳаракат қилишмоқда.

Мамлакатимиз ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан бу каби жиноятларнинг олдини олиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, бу борада Департаментнинг Тошкент вилоят бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан ҳам тезкор тадбирлар ўтказилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида пул билан боғлиқ, яъни уларнинг ноқонуний муомаласи юзасидан ўтказилган профилактик тадбирларда 45 та қонун бузилиши ҳолатлари аниқланиб, 24 та жиноят, 21 та маъмурий ишлар қўзғатилди. Ҳуқуқбузарлардан 178 минг 700 АҚШ доллари, 17 минг 200 Россия рубли, 469 минг 400 қозоқ тенгеси ва 154 миллион 800 минг сўм пуллар ашёвий далил тариқасида олиб қўйилган.



Валютага оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш бўйича ўтказилган тезкор тадбирларда 16 та ҳолатда қалбаки чет эл валюта маблағларини ҳамда миллий сўмни ноқонуний муомалага киритиш билан боғлиқ жиноятлар аниқланган. Шундан 8 ҳолатда 1150 АҚШ долларини 8 та ҳолатда қалбаки 5 миллион 255 минг сўмни муомалага киритишга уриниш билан боғлиқ жиноят ишлари қўзғатилган.

Мисол учун, Департаментнинг Ўртачирчиқ туман бўлими томонидан олиб борилган тезкор тадбир жараёнида фуқаро Турсунбой Шарипов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) рангли принтер орқали қалбаки пул ясаганлиги маълум бўлди. Тадбир давомида фуқаро Т.Шарипов жами 4 миллион 900 минг сўм қалбаки купюраларни ўтказиш мақсадида олиб кетаётганида ушланди. Мазкур ҳолат юзасидан Департаментнинг туман бўлими томонидан Т.Шариповга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суд ҳукми билан унга тегишли жазо тайинланди.

Яна бир ҳолатда фуқаро Эркин Шокиров Тошкент ҳалқа

> *Қўйини 300 долларга сотган фуқаронинг қувончи узоққа чўзилмади.*

йўлининг Зангиота туман ҳудудидан ўтган жойида қўй сотаётганида, икки номаълум киши келиб, қўйларидан бирини танлаб, савдолашади ва сотиб олади. Улар келишилган пулни АҚШ долларига чақиб, Э.Шокировга 300 АҚШ доллари бериб кетади. Орадан маълум вақт ўтгандан кейин, ушбу пулларни кўздан кечирган Э.Шокиров 100 АҚШ долларлик учта купюраларнинг ҳақиқий эканлигига шубҳа қилади. Шундан сўнг мазкур ҳолат ҳақида тегишли жойга ариза билан мурожаат қилди.

Аризачи тақдим этган купюралар Тошкент вилоят ИИБ ЭКБнинг хулосасига кўра қалбаки эканлиги аниқланди. Э.Шокиров берган маълумотлар асосида қалбаки пул "шайдо"лари қўлга олинди. Жобир Тўраев ва Турди Мўйдиновлар бу пулларни қўшни республикадан олиб келиб, мамлакатимизда муомалага киритмоқчи бўлишган экан. Суд ҳукми билан бу кимсаларга нисбатан тегишли жазо тайинланди.



# Дори воситалари сақланувчи "яма"

Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг Бекобод шаҳар бўлими томонидан ДХХ шаҳар бўлими ва Тошкент вилоят божхона бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирда Бекобод шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаро А.Х. ўз хонадонида хорижда ишлаб чиқарилган дори воситаларини ноқонуний равишда муомалага киритишга мўлжалланган "яма" ташкил этганлиги аниқланган.

Хусусан, ушбу "яма"да Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қонуний олиб кирилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган, умумий қиймати 320 миллион сўмлик дори воситалари ҳамда 84 кг. "Латун" (рангли металл) парчалари сақланаётганлиги аниқланиб, ашёвий далил сифатида олиб қўйилган.

Мазкур ҳолат юзасидан А.Х.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

**Бош прокуратуранинг Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими**

**Ботир (исм-фамилиялар ўзгартирилган) жуда киришимли йигит бўлгани боис содда, ишонувчан одамларни бир зумда чув туширади. "Ишбилармон", "корчалон" йигит ҳақида 2016 йил ёзида хабар топган вобкентлик Муҳиба ая Гала Осиё педагогика коллежида ўқиётган невараси Гулчиройни Бухоро тиббиёт коллежига ўтказиш ҳақидаги илтимосини ҳал қилиши учун 2000 АҚШ долларини унга келтириб берди. Энди бу ёғига кутишдан бошқа чораси қолмаган аёл фирибгарнинг тузоғига тушганини кеч англади.**

# Ўзи ҳам қармоққа илинди

**Нилуфар АҲМЕДОВА,**
Департаментнинг Бухоро вилоят
бошқармаси тармоқ катта инспектори

2017 йилда ғиждувонлик Парвоз Ҳасанов ўғлини билимига таяниб эмас, балки Ботир Чўлиевнинг ёлғон ваъдаларига ишониб, Ўзбекистон Жаҳон тиллари университетига ўқишга киритмоқчи бўлганига нима дейсиз?! У ҳам Ботирга 2000 АҚШ долларини қандай келтириб берганини ўзи ҳам сезмай қолди...

Ботир "ўлжа"лар ўз оёғи билан келиб тургани

> *Ўғлининг билимига эмас, фирибгарнинг ваъдасига таянган фуқаро 2 000 долларга куйиб қолди.*

нидан ичида хурсанд бўлди-ю, аммо қилаётган ишларининг оқибатини ўйламади.

Алдов эвазига одамларни қармоғига илинтириб, келаётган жарақ-жарақ долларлар хуш ёқиб турган бир пайтда фирибгар йигитнинг ўзи ҳам қонун қармоғига илиниб қолди.

— Ака, 4500 АҚШ доллари оғирлик қилади, — деди Фозил Шомуродов. — Бунча пулни қаердан топаман?

— 2-3 ойда катта маош билан ўрни қопланиб кетади. Мен ҳам катталарга беришим керак, — деди Ботир савдолашаётган ҳамсуҳбатидан астойдил хафа бўлаётгандек ўзини тутиб.

Бу суҳбат ўзаро келишув билан якунланди, гўё. Режага кўра, Тошкент шаҳридаги "Олмазор" метро бекати яқинида Ботир Чўлиев пора тариқасида сўраган пулларнинг 3500 АҚШ долларини олаётган пайтда қўлга олинди. Суд Ботир Чўлиевни 3 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этди.



# Ҳаром луқма буюрмади

**Ҳаётда ризқ-насибани ҳалол йўл билан топиб рўзғор тебратадиганлар кўп.**

**Муҳаммад БЕГАЛИЕВ,**
Департаментнинг
Қашқадарё вилоят
бошқармаси бўлим инспектори

Аммо айрим кимсалар ҳам борки, виждон, диёнат деган инсонийлик хислатларини унутиб, кишиларни алдаб, ўзгаларнинг ҳалол меҳнат билан топган маблағини фирибгарлик йўли билан қўлга киритадилар ва ғаразли йўллар билан топилган пул эвазига оила тебратиб, бола-чақа боқадилар.

Нишонлик Ботир Ўроқов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ана шундайлардан бўлиб чиқди. У "И.И" компаниясида ишлаётганидан фойдаланиб, ўзгаларни алдаб ва ишончини суиистеъмол қилиб таниши Д.Расуловни компанияга ишга жойлаштиришга ваъда бериб, эвазига 600 АҚШ доллари талаб қилади.

Департаментнинг Нишон туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда Б.Ўроқов танишидан 500 минг сўм пул, фуқаролик паспорти, ҳарбий ва ҳайдовчилик гувоҳномаси нусхалари ҳамда МФЙ маълумотномасини олаётган пайтда ушланди.

Мазкур ҳолат юзасидан фуқаро Б.Ўроқовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, жиноят ишлари бўйича Нишон тумани судининг ҳукми билан жазо муқаррарлиги таъминланди.

# Урганчлик "долларчи"

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида миллий валютанинг мақомини янада мустаҳкамлаш, накд хорижий валютанинг муомала доирасини тартибга солиш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича халқаро стандартларни сўзсиз бажариш, шунингдек, валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш механизмини такомиллаштириш мақсадида бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.**

**Неъматжон АВАЗОВ,**
Департаментнинг
Янгибозор туман бўлими бошлиғи

Бу борада Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан ўтказилаётган тезкор тадбирлар давомида миллий валюта савдоси билан ноқонуний шуғулланиб келаётган фуқароларнинг ҳаракатларига чек қўйилмоқда.

Департаментнинг Янгибозор туман бўлими томонидан яна бир ноқонуний валюта савдосига чек қўйилди. Департамент ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда Урганч шаҳар "Мустақиллик" кўчасида яшовчи фуқаро Алишер Раҳимов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) навбатдаги харидор Бобур Каримовга жами 3000 АҚШ долларининг ҳар бирини 8470 сўмдан ҳисоблаб, 25 миллион 410 минг сўмга сотаётган вақтда ашёвий далиллар билан ушланди.

Мазкур ҳолат юзасидан ушбу фуқарога нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, ҳуқуқий таъсир чоралари кўрилмоқда.

Қонун ҳамма учун баробар. Албатта, ҳар биримиз валюта қимматликларини банк муассасаларида айирбошлаб, уларнинг банкдан ташқари айланмасига йўл қўймасак, мамлакатимизнинг иқтисодий ривожини янада мустаҳкамлашга ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.



**Олий мажлис депутатлари ўзбошимчалик билан ковланган йўллар учун жазо чораларини кучайтирувчи қонун лойиҳасини тайёрлади.**

# "СТАЖ" "ОПЕРАЦИЯ"СИ ОШКОР БЎЛДИ

**Бунақа ҳолатларга кўп дуч келамиз. Айрим кишилар биров — қош, биров — кўз, дейишади-ю, уларни қўллаб юборай деб, қинғир ишга қўл уриб қўйишганини сезмай ҳам қолишади. "Ҳожатбарорлик" қимматга тушиб, "дўппи тор келиб" қолганида эса "наҳотки шу ҳам жиноят бўлса, ахир мен шунчаки унга беғараз яхшилик қилмоқчи эдим-ку", дея бош қашлашади...**



**Дилшод ШОДМОНОВ,**
Қашқадарё вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Жиноят ишлари бўйича Миришкор тумани судида Ярмамат Ачилов, Ҳайдар Каримов, Ғуломжон Давронов ҳамда Акрам Чориқуловнинг жиноят иши кўрилди. Ярмамат Ачиловнинг ўз манфаатини кўзлаб, ўйламай босган қадами нафақат ўзи, балки унинг дўсти, маҳалладоши ва шогирдининг суд олдида жавоб беришига сабаб бўлди...

Янги Миришкор маҳалласида истиқомат қилувчи Я.Ачилов 1964 йилда туғилган. Маълумоти олий. Оилали, икки фарзанднинг отаси.

Мактабда ўқитувчилик қилиб юрган Ярмамат 2006 йилда ишдан бўшади. Пул ишлаб келиш мақсадида Россияга кетди. Шу тариқа бир неча маротаба хорижга бориб келди. 2010 йилнинг ноябрь ойларидан бошлаб ўзига тегишли "Матиз" автомашинасида таниш фермер ва тадбиркорларнинг ишларига кўмаклашиб юрди. Фермерлардан Ҳайдар Каримов синфдоши эди, Ғуломжон Давронов билан эса мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган кезларида пахта йиғимтеримига ҳашарга чиққан пайтларида танишиб, қадрдонлашиб қолишган эди. "Аҳрор бинокор савдо" хусусий фирмаси раҳбари Акрам Чориқулов эса собиқ ўқувчиси ва қўшниси эди. Уларга машинасида кўрсатган хизматлари учун гоҳ пул, гоҳ озиқ-овқат маҳсулотлари олиб турарди. Шу тариқа орадан олти йил ўтди. Ярмамат Ачилов яна ишлаш учун Россияга бориб келди. Ишлари юришмади. Тирикчилик важидан "Матиз"ни ҳам сотиб юборди. Бекорчиликдан боши қотиб юрган кезлари вилоятда фаолият кўрсатаётган нуфузли корхонага ҳайдовчилар ишга қабул қилинаётганлиги хусусида эшитиб қолди. Дарҳол ишга кириш ҳаракатига тушди.

> *Собиқ муаллим ўзининг ҳайдовчилик "стаж"ини ҳужжатга муҳрлаш учун фермерлар имзосини ўзи ўхшатиб қўйди.*

Ҳужжатларни тайёрлай туриб, хаёлига бир фикр келди. Меҳнат дафтарчасида илгари бирон корхона, ташкилот ёки муассасада ҳайдовчи бўлиб ишлаганлиги ҳақидаги қайдлар бўлса, ишлари осон кўчиши табиий. Шу хусусда бош қотириб турган пайти таниш фермер ва тадбиркорларга машинасида ёрдам бериб юргани ёдига тушди. Кўчага чиқди. Танишларидан бирига меҳнат дафтарчасига ўзи айтиб турган ёзувларни киритиб беришини сўради. Шу тариқа унинг меҳнат дафтарчасида қуйидаги битиклар пайдо бўлди: "...10.10.2006 йилдаги 42-сонли буйруқ билан "Каримов Ҳайдар Ражабович" фермер хўжалигига ҳайдовчи вазифасига ишга қабул қилинди... 02.12.2011 йилдаги 36-сонли буйруқ билан меҳнат шартномаси ўз аризасига кўра бекор қилинди", "28.11.2011 йилдаги 21-сонли буйруқ билан "Давронов Ғуломжон" фермер хўжалигига ҳайдовчи вазифасига ишга қабул қилинди... 20.10.2013 йилдаги 37-сонли буйруқ билан меҳнат шартномаси ўз аризасига кўра бекор қилинди". Шу тариқа собиқ муаллим ўзининг ҳайдовчилик "стаж"ини ҳужжатга муҳрлашга киришди. Ёзувларнинг остига фермерларнинг имзоларини ўзи ўхшатиб қўйди. Энди муҳр ҳам керак. Барибир фермерларга учрашмаса бўлмас экан.

Дастлаб синфдоши Ҳайдарнинг ёнига бориб, дардини айтди. Фермер собиқ синфдошининг юзидан ўтолмади. Ёнидан муҳрини чиқарди-ю, у кўрсатган жойларга қарсиллатиб босиб берди.

Ярмамат Ачилов Ғуломжонни маҳаллада бўлаётган таъзияда учратиб қолди. Аста четга тортиб, бир пайтлар унга қилган хизматлари учун меҳнат дафтарчасига "стаж" ёзиб, тасдиқлаб беришини сўради. Ғуломжон ҳам эски қадрдонининг гапини ерда қолдира олмади... Фермер хўжалигига тегишли муҳр чойхонада сақланаётганлигини айтиб, домлани ўша манзилга йўллади. Муҳрни қўлга киритган Я.Ачилов билганини қилди...

Одамнинг юзи иссиқ. Собиқ ўқувчиси ва қўшниси Акрамжон ҳам "оқибатли" чиқди. Домласининг айтганини қилди. Ишга киришига кўмаклашиш, унинг меҳнат дафтарчасида иш стажи давомийлигини таъминлаш мақсадида хусусий корхонага 2013 йил 30 октябрда ишга қабул қилинганлиги ва 2017 йилнинг 28 октябрь куни ишдан озод этилганлиги ҳақидаги ёзувларни ўз қўли билан киритиб, имзолаб, муҳрлаб берди.

Ҳайдовчилик стажини "ясаб" олган Ярмамат Ачилов ҳужжатларни нуфузли компаниянинг кадрлар бўлимига топширди. "Стаж" иш берди. 2018 йил 26 январь куни орзуси ушалиб, корхонага 3-даражали самосвал ҳайдовчиси лавозимига ишга қабул қилинди. Орадан бир ойча вақт ўтиб, корхона кадрлар бўлимидагилар ундан меҳнат дафтарчасида қайд этилган ёзувлар ва муҳрларга асосланган ҳолда ушбу ҳолатларни тасдиқловчи маълумотнома тақдим этишини сўрашди. Хавотирга тушиб қолган Я.Ачилов елиб-югуриб фермерлар ва шогирдидан тегишли маълумотларни олишга муваффақ бўлди ва кадрлар бўлимига топширди.

"Насиб қилмаган экан" деганлари шу бўлса керак-да. Саломатлиги панд бериб, 2018 йил 11 май куни ўз хоҳиши билан ишдан бўшашига тўғри келди. Устига-устак кейинчалик меҳнат дафтарчасидаги сохта битикларнинг сири ошкор бўлиб қолиб, бир ташвишига ўн ташвиш қўшилди...

Суд ҳукмига кўра, Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан судланувчиларга жазо тайинланди.

Одамларга яхшилик қилиб яшашга нима етсин. Аммо яхшиликка ҳеч қачон сохтакорлик аралашмаслиги, унинг оқибатида қонун талаблари бузилмаслиги шарт.

**Инсон бошига тушган ҳар қандай кўнгилсизлик, аввало, ўзининг босаётган қадами, маънавияти ва дунёқарашининг яхши эмаслигидан келиб чиқади.**

# ОДАТГА АЙЛАНГАН ЭРМАК

**Усмонжон ҚОБИЛОВ,**
Наманган вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Наманганлик Акром ота (исмлар ўзгартирилган)да ҳам шундай бўлди. У ёши ўтиб, фарзандлари улғайиб, набирали бўлган бир даврда дунёқарашининг торлиги туфайли, қолаверса, кимларнингдир қизиқтириши билан бу йўлга кирганди. Унинг "мазаси" билан дунёни унутиб, осмонларда учди. Кейинги сафар яна "қизиқди". Бора-бора эса бу эрмакка, кейин одатга айланди.

Йиллар ўтди. Озгина фурсат учун у борлиғини, оиласини унута борди. Топганини унга, фақат унга тикадиган бўлди. Авваллари кўчадан ширинлик олиб келиб эркалайдиган боболарининг қўрслигидан набиралар ҳам зириллайдиган бўлиб қолишди. Аста-секин эса на ширинликни, на боболарини кутадиган бўлишди. Бу ширин лаҳзаларни улар ҳам унутишганди.

Оиладан файз-барака, тотувлик кўтарилди. Энди бу ҳолатдан ота ўзи ич-этини еб, юрган йўлидан қайтишни истар, аммо уддасидан чиқолмасди. Тенгу тўши, яқинларига қўшилишни истамас, одамови бўлиб бораётгани эса ўзига ҳам ёқмасди. Аҳвол шу даражага бориб етдики, унинг юриш-туриши назоратга олинди.

Ҳа, англаганингиздек, у ўз бошига гиёҳвандлик балосини сотиб олганди.

Унинг яшаш уйи ертўласи холислар иштирокида текшириб кўрилганида, у ердан 254,8 грамм марихуана, 23,46 грамм гашиш, 13,65 грамм "маковая салома" деб номланадиган гиёҳвандлик моддалари топилди. Текширишлар А.Авезов бу гиёҳвандлик моддаларини сотиш билан шуғулланмаслигини, ўзи истеъмол қилишини тасдиқлади.

Қилмишидан пушаймон ота фарзандлари олдида кўз ёши тўкди. Қонун олдида кечирим сўраб, енгиллик берилишини сўради.

Суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 276-моддаси, 2-қисми "а" бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли, деб топилган А.Авезовга уч йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланди. Шунингдек, у тиббий муассасаларда гиёҳвандликдан мажбурий даволанадиган бўлди.

# ДЕВОРДАН ОШГАН КИМ БЎЛДИ?

**Йиллар давомида олинган ҳаётий тажриба, сабоқлар сабаб кишилар оқ-қорани, яхши-ёмонни ва фойда-ю зарарни ажрата олади.**

**Фирдавс ТУРАНОВ,**
Иштихон туман прокуратураси терговчиси

Дамир Шерлиев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) қирқ ёшдан ошди. Қадимгилар тўғри айтган экан. Ақл ёшда эмас, бошда деб. Ҳанузгача қалб кўзи очилмаган бу одам суднинг қора курсисига олти маротаба ўтирди. Ўтган умрининг чамаси ярми панжара ортида ўтди. Бир гал жазони тўлиқ ўтаган бўлса, бошқа сафар шартли равишда озод қилинди. У ўта хавфли рецидивист деб топилган.

Бир куни эрталаб намунавий лойиҳалар асосида қурилган уйлар олдидан ўтаётиб, унинг хаёлига шум фикр келди. Шу ердаги уйларнинг бирига кириб, ўғирлик қилишни ўйлади. Уйда ҳеч ким йўқлигига амин бўлгач, дарвоза тепасидаги очиқ жойдан ошиб тушди. Уй эгаси Н.Умарова эрта тонгдан бозорга кетган, уйда ҳеч ким йўқ эди.

Дамир хоналарга кириб, бир дона телефон аппарати, шойи мато ва шарбат сиққич ускунаси, жами 700 минг сўмлик мол-мулкни олди.

Дарвозадан ошиб тушса, қўлга тушиб қолишидан қўрқиб, қўшни ҳовлидан чиқиб кетишни ўйлади. Ўмарган нарсаларини иккита целлофан халтага жойлади. Ип билан боғлаб, қўшни ҳовлига ташлади. Ўзи ҳам девордан ошиб ўтган эди, дарвоза очилди. Югуриб бориб, ўтлар орасига беркинди. Уй эгаси девор олдидаги пакетларни кўриб, ҳайрон бўлди. Турмуш ўртоғига қўнғироқ қилиб суриштирди. Хотинининг ҳеч нимадан хабари йўқ экан. Девордаги оёқ изларини кўриб, шубҳаси ортди. Уйини кўздан кечирди. Нарса-буюмлари жойидалигини кўргач, бошқа қўшниларини чақириб, пакетни кўрсатди. Келганларга ҳам тегишли эмас. Ён қўшни Н.Умаровага қўнғироқ қилишди.



Дамир Шерлиев ҳовлидаги одамлар тарқалгунча ўтлар орасидан чиқолмади. Ниҳоят, овозлар тинди. У целлофан халталарни олиб, дарвозага яқинлашди. Очаётганда темир дарвоза тарақлаб кетди. Бу овоз ҳали тарқалмай, уйдан сал нарида турган қўшниларнинг диққатини тортди. Қочишга уринган Дамир Шерлиевни қўшнилар тутиб, тегишли жойга хабар қилишди. Бозордан келган Н.Умарова ўз нарсаларини таниб олди.

Суд ҳукми билан Дамир Шерлиев 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Лондон савдо расталарида илк бор Наманган вилоятида етиштирилган гилос пайдо бўлди ва шаҳарнинг энг йирик "Western International Market" бозорида сотилмоқда.

FAOLIYATIDAN



# ИККИ ЮЗ ЭЛЛИККА ЯҚИН ОИЛА ЯРАШТИРИЛДИ

**Оила ҳар бир жамиятнинг бошланғич бўғини ҳисобланади. Оила мустаҳкам, тинч,бўлса, жамият ҳам осойишта, фаровон бўлади. Бахтли оилалар туфайли бахтли жамият вужудга келади.**

**Алижон ҚИЛИЧЕВ,**
МИБ Жиззах вилоят бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Ғарбда оилавий муносабатлар кун сайин чигаллашмоқда. Минг афсуски, бу иллатдан четдамиз, дея олмаймиз. Муқаддас деб аталмиш оила қадрига етмайдиган, оилада учраб турадиган камчилик ва муаммолар сабаб ажралиб кетаётган ҳамда фарзанди келажагига беэътибор ота-оналар ҳам орамизда кўплаб учраб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасида "Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар..." дейилган. Лекин, баъзида бурчларимизни ҳам унутиб қўймоқдамиз.

Жумладан, фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судининг ижро ҳужжатига асосан қарздор М.Донабоев бир нафар фарзандининг моддий таъминоти учун алимент тўлаши лозим эди. Лекин у 3 миллион сўм алиментни тўлашдан қасддан бўйин товлади. Шу сабабли унга қонуний чора кўрилди. Шунингдек, қарздор Б.Таниқулов 10 миллион сўм, қарздор О.Норқўзиев 15 миллион сўм алимент тўловларини тўлашдан қасддан бўйин товлаб келганлиги сабабли уларга нисбатан суд томонидан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланди.

Алимент олишга эҳтиёжи бўлган болаларнинг ҳуқуқла-

*2 миллиард сўмдан ортиқ алимент пуллари ундирилди.*

рини ҳимоя қилиш, фарзандларини моддий таъминлашдан бўйин товлайдиган шахсларнинг қарздорлиги кўпайишига йўл қўймаслик Мажбурий ижро бюросининг долзарб вазифаларидан биридир. Шу боис Бюронинг Жиззах вилоят бошқармасида алимент ундириш билан боғлиқ ижро ҳужжатлари бўйича қарздорларнинг алимент тўловларини ўз вақтида тўламаслиги сабаблари таҳлил қилинаяпти ҳамда қарздорликларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Оилаларни яраштириш орқали ижро иши юритишни тамомлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Жорий йилнинг ўтган даврини оладиган бўлсак, вилоят бўйича 2 миллиард сўмдан ортиқ алимент пуллари ундирилди. Алиментни тўлашдан бош тортган 123 нафар қарздорга нисбатан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланди. Эътиборли жиҳати, 242 нафар оила яраштирилди.

Жумладан, Жиззах шаҳар, "Олмазор" МФЙда яраштириш комиссияси аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари билан ҳамкорликда ҳудуддаги алимент тўловчи қарздорлар ва ундирувчилар ўртасида якка-ма-якка суҳбатлар ўтказилиб, ушбу ҳудуддаги 12 нафар оиланинг яраштирилишига эришилди.

# ХОРИЖГА ЧИҚМОҚЧИМИСИЗ?

## аввалига алимент мажбуриятини бажаринг!

**Алимент даврий ундирув бўлгани сабабли алимент тўловчиларнинг хорижга чиқиш ҳуқуқлари вақтинча бекор қилинади. Агар вояга етмаган болаларининг таъминоти учун моддий таъминотнинг камида 5 йиллигини олдиндан тўласа, фуқародан четга чиқиш чеклови олиниши мумкин.**

**Гулруҳ БУРХОНОВА,**
Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ бошқарма бош инспектори

Фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг 2018 йил 13 ноябрдаги буйруғига асосан Р.Сиддиқовдан 2 нафар фарзандининг моддий таъминоти учун алимент ундириш белгиланган. Мазкур ижро ҳужжати Бюронинг Наманган шаҳар бўлими юритувида бўлиб, қарздорнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқлари вақтинча чекланган эди.

Бюро давлат ижрочиларининг тушунтириш ишлари натижасида, фуқаро Р.Сиддиқов ариза билан МИБ Наманган шаҳар бўлимига мурожаат қилиб, беш йиллик алимент пулларини ҳисоб-китоб қилишни сўраган.

Мазкур ариза ўрганилиб, 2019 йил 1 апрелидан 2024 йилнинг 1 апрелига қадар алимент ҳисоб-китоб қилиб берилди. Яъни фуқаро Сиддиқов фарзандлари таъминоти учун 74,5 миллион сўм алимент тўлаши лозимлиги тушунтирилди. Р.Сиддиқов фарзандлари моддий таъминоти учун белгиланган маблағни тўлагани сабабли қарздорга қўлланилган чекловлар бекор қилинди.

Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг буйруғига асосан, қарздор Ш.Шодиевдан 2 нафар вояга етмаган фарзандлари таъминоти учун 1/3 қисми миқдорида алимент ва фарзанди уч ёшга тўлгунига қадар ҳар ойда 450 минг сўмдан моддий таъминот ундириш белгиланган ва қарздорнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқлари вақтинча чекланган.

Фуқаро Ш.Шодиев ариза билан МИБ Яшнобод туман бўлимига мурожаат қилиб, вояга етмаган 2 нафар фарзанди учун беш йиллик алимент пулларини ҳисоб-китоб қилишни сўраган. Ариза ўрганилиб, 2019 йил 1 январидан 2024 йилнинг 1 январига қадар алимент ҳисоб-китоб қилинган ва фуқаро 44 миллион 233 минг 484 сўм алимент тўлаши кераклиги белгиланган. Ш.Шодиев фарзандлари моддий таъминоти учун белгиланган маблағни тўлагани сабабли унга қўлланилган чекловлар бекор қилинган.



# Ўзбошимчаликнинг охири вой

**МИБ ходимлари томонидан аҳоли орасида тушунтириш ишлари олиб борилаётганига қарамасдан, айрим фуқаролар ҳанузгача энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш, табиий газ тармоғига ўзбошимчалик билан уланиш каби қинғирликларга қўл уришмоқда.**

**Анвар ҒАФФОРОВ,**
МИБ Нуробод туман бўлими бошлиғи ўринбосари

Жумладан, дастлабки тўпланган суриштирув ҳужжатларига кўра, Бюронинг Нуробод туман бўлими тезкор ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир давомида Нуробод тумани "Нурбулоқ" маҳалласида яшовчи фуқаро Бахтиёр Турдиев яшаш уйи томорқасида қурилган иссиқхонада табиий газдан яширин равишда фойдаланиб келаётганлиги аниқланиб, ушбу ҳолат тегишли тартибда ҳужжатлаштирилган.

Мазкур ҳолат юзасидан олиб борилган суриштирув ишлари давомида Самарқанд вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Нуробод туман бўлими маълумотномасига кўра, фуқаро Б.Турдиевга тегишли бўлган Нуробод тумани "Нурбулоқ" маҳалласи ҳудудидаги яшаш уйи томорқасида қурилган иссиқхона биносининг қурилиш ости майдони 537,6 кв. метр, фойдаланиш майдони 527,8 кв. метр экани тасдиқланган.

*Фуқаро гуриллаб ёнаётган «зангори оловнинг» ҳисоби борлигини унутди.*

Табиий газдан ноқонуний фойдаланилгани оқибатида таъминотчига корхона манфаатларига 31 миллион 523 минг сўм зарар етказилгани аниқланди.

Мазкур ҳолат юзасидан олиб борилган суриштирув ҳаракатлари давомида моддий зарар фуқаро Б.Турдиев томонидан тўлиқ қопланганини сабабли унга нисбатан тўпланган ҳужжатлар Жиноят процессул кодексининг 84-моддаси 1-қисми 8-бандига асосан тугатилди.



# Абжирлар сири фош бўлди

**Ғолибжон ҲУСАНОВ,**
МИБ Конимех туман бўлими бошлиғи

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги "Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида Бюро органларига электр, газ узатиш ва сув тақсимлаш тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-торож қилиш ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш каби бир қатор масъулиятли вазифалар юклатилган.**

Бюронинг Конимех туман бўлими ходимлари томонидан тўлов интизомига риоя этилиши ва ҳуқуқий маданиятни ошириш борасида доимий равишда тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилмоқда.

"Беш қўл баробар эмас" деганларидек, орамиздаги табиий бойликларимиздан ноқонуний тарзда фойдаланишга уринаётган "абжир"лар ҳам кўзга ташланиб қолаяпти. Хусусан, Бюронинг туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган назорат тадбирлари натижасида "Наврўз" МФЙ "Бердақ" кўчасида яшовчи фуқаро Ислом Азимов (исм-фамилияси ўзгартирилган) хонадонида табиий газ тармоғига ўзбошимчалик билан уланиб фойдаланиб келаётганлиги натижасида таъминотчи корхона манфаатларига 599 минг сўмлик зарар етказганлиги аниқланиб, унга нисбатан маъмурий иш расмийлаштирилди. Зарар тўлиқ қопланиб, унга нисбатан МЖтКнинг 101-моддаси билан энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари миқдорида жарима жазоси қўлланилди.

Яна бир назорат тадбирида "Наврўз" МФЙ "Ажиниёз" кўчасида яшовчи Фахриддин Холмуродовнинг ноқонуний иши фош этилди. У ҳам хонадонида табиий газ тармоғига ноқонуний уланиб, таъминотчи корхона манфаатларига 1 миллион 566 минг 720 сўмлик зарар етказган экан. Зарар ундириб олинди ва унга ҳам энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари миқдорида жарима жазоси қўлланилди.



**Навоийда «Тут сайли» бўлиб ўтди, унда тутнинг 30 га яқин тури дастурхонга тортилди.**

# ОШПАЗНИНГ АРМОНИ УШАЛДИ ёки ОРТИҚБОЙНИНГ ИЛК РОЛИ

**Равшан РАЖАБОВ,**
Сирдарё вилоят театри директори

**Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус, яъни ёшларимизга бўлган эътиборни янада кучайтириш, уларни маданият, санъат, мусиқа, рассомчилик, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ёшларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, улар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалалари бугунги куннинг долзарб масалаларига айланиб қолди.**



Шу ташаббусларнинг биринчиси ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини ошириш, истеъдодини юзага чиқаришдан иборат. Бу борада маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудий ибратхона деб таъриф берган театрнинг ҳам ўрни беқиёслигини алоҳида эътироф этиш керак. Театрни чин маънода ибрат, тарбия маскани дейишга ҳақлимиз.

Беҳбудий "Театр бу ибратхонадир", деган бўлса, муҳтарам Юртбошимиз "Театр бу маънавият ўчоғи, ижод аҳли инсон қалбининг муҳандисларидир" деган юксак таърифни бердилар. Умуман олганда, ҳар доим ҳам театр бу ҳаётий сабоқлар берувчи жонли воситадир. Чунки саҳнадаги воқеалар жонли тарзда акс эттирилади. Театр саҳнасида қўйилаётган ҳар бир асардан мақсад, у қайси жанрда, мавзуда бўлмасин, тарихий ёки замонавийлигидан қатъи назар томошабинни ҳар жиҳатдан тарбиялайди, уни эзгуликка, яхшиликка етаклайди. Асардаги салбий ҳолатлар, воқеалар ҳаётда учрайдиган шундай ҳодисаларни такрорламасликка, салбий образлар эса шу каби инсонларни тўғри йўлга бошлашга кўмаклашади.

Сирдарё вилоят театри бу йил ўзининг 44-мавсумини давом эттирмоқда. Ўтган давр мобайнида бу ерда 180 дан зиёд турли мавзу ва жанрдаги спектакллар саҳналаштирилиб, томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди. Албатта, мухлислар уларни илиқ қарши олган, ижодий жамоани қўллаб-қувватлаб келишмоқда. Бир неча саҳна асарларимиз республика ва халқаро фестиваль ҳамда кўрик-танловларда қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлган. Театр репертуаридан жой олган "Тўй", "Нодирабегим", "Хотинлар гапидан чиққан ҳангома", "Жонгинам, шартингни айт", "Аёл қадри", "Инсон ўзинг", "Момо ер" спектакллари шулар жумласидандир. Масалан, таниқли қирғиз адиби Чингиз Айтматов асари асосида яратилган "Момо ер" спектакли бу йил Қозоғистонда бўлиб ўтган халқаро театрлар фестивалида муваффақият билан қатнашиб, иккита номинация бўйича халқаро мукофотга сазовор бўлди.

Театримиз жамоаси айни кунларда ўзининг мавсум давомидаги фаолиятининг ҳисоботи тарзида кўп сонли мухлислар, турли жамоалар ҳузурида энг сара спектаклларини намойиш этмоқда. Вилоят прокуратураси жамоаси юқорида номлари қайд этилган учта саҳна асарини катта қизиқиш билан томоша қилди. Спектакллар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларига манзур бўлганидан, уларга хуш кайфият бағишлаганидан бошимиз осмонга етди. Санъатни суймаган инсон йўқ. Касб-коридан қатъи назар, ҳар бир киши дам олиш дамларида театрга, кинотеатрларга ва бошқа маданият масканларига бориб, спектакль, кино, концертлар томоша қилишни, мароқли ҳордиқ чиқаришни истайди. Театримиз жамоаси ҳам ўз мухлисларига яхши саҳна асарлари, театр томошалари билан завқ ва ҳузур бағишлашга доимо тайёр. Шу каби ижодий учрашувлар, мулоқотлар албатта, жамоалар билан алоқаларни мустаҳкамлайди,

> *Вилоят прокуратураси ошпази спектаклда чойхоначи ролини ижро этди.*

қолаверса, санъатга ошуфта бўлган турли соҳа вакилларининг ўз иқтидорини бирор саҳна асарида синаб кўриш ва ҳаваскор актёр сифатида рол ижро этишга ҳам имкон борлиги қувончли ҳолдир. Бу элимизнинг санъатсеварлиги ва театрни, актёрлик касбини қадрлашини билдиради. Бу гапни бежиз тилга олмадим. Репертуаримиздаги энг яхши асарлардан бири — "Хотинлар гапидан чиққан ҳангома" спектаклида вилоят прокуратураси ошхонасида фаолият олиб бораётган ошпаз Ортиқбой Муталов чойхоначи "Қувонч" ролини маромига етказиб ижро этди. Энди бу йигит ҳақида икки оғиз гап айтиш жоиздир. Ортиқбойнинг саҳнага чиқиши тасодифий ҳол эмас. Бу йигит болалик ва ўсмирлик чоғидан актёр бўлишни орзу қилган экан. У тез-тез театрга келиб, спектаклларни томоша қилган, ҳатто бир муддат ўша пайтда театр директорининг ўринбосари бўлиб ишлаган Турғун Шералиевдан санъат олий илмгоҳига кириш учун йўл-йўриқлар ҳам олган ва илмгоҳга ҳужжатларини топшириб, имтиҳонларга тайёргарлик кўрган. Афсуски, йигитнинг омади чопмаган. Кейинчалик у йигит кишига қирқ ҳунар ҳам оз деганларидек, ошпазликка ҳам қизиққани боис шу касбнинг бошини тутган. Лекин юракдаги санъатга бўлган иштиёқ, истак сўнмаган ва мавриди келса, саҳнага чиқишни орзу қилиб яшаган. Мана, ўша дамлар келди чоғи, Ортиқбойнинг саҳнада ўзини синаб кўришига имкон топилди. Унинг спектаклда роль ўйнаши нафақат ўзини ва оиласини (у 4 нафар фарзанднинг отаси), балки вилоят прокуратураси жамоасини ҳам беҳад қувонтирди. Энг муҳими, 30 ёшли навқирон йигитнинг неча йиллик армонлари ушалди ва асосийси, томошабинларга унинг талқини манзур бўлди.

Биз ҳам театр жамоаси номидан Ортибой Муталовни орзуси ушалгани — илк бор саҳнага чиққани билан қутлаймиз ва келгусида уни яна ўзига мос қаҳрамонлар роллари учраса, албатта, таклиф этамиз. Санъатни севган, уни юракдан тушунган ва беҳад ардоқлаган элимиз — нозик дидли мухлисларни ҳамиша театрда кутиб қоламиз.

Дарвоқе, яна бир қувончли хушхабар. Куни кеча театрда янги "Инсонликка номзод" спектаклининг тақдимоти бўлиб ўтди. Тез кунда у нозик дидли, талабчан томошабинлар ҳукмига ҳавола этилади. Барча мухлисларни, шу жумладан, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларини ҳам театрга — янги саҳна асарини томоша қилишга таклиф этамиз.

**Келгуси сонда**

**"ТЕЗКОР ХОДИМ" НИҚОБИ ОСТИДАГИ ФИРИБГАРНИНГ НАЙРАНГЛАРИ.**

REKLAMA

## «Samarqand mulk markazi» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарорига мувофиқ ҳамда Самарқанд вилоят Фавқулотда вазиятлар бошқармаси Ёнғин хавфсизлиги бошқармасининг 2019 йил 27 майдаги 3/1-3-1154-сонли буюртманомасига асосан, Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси 16-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1) **А/м «КАМАЗ-АКП30».** 1991 й. и/ч, д/р 30 521 VSF, т/н. Б.б. – 6 385 000 сўм. 2) **А/м «ЗИЛ-131».** 1991 й. и/ч, д/р 30 529 VSF, т/н. Б.б. – 4 131 000 сўм. 3) **А/м «UАЗ-31512 01».** 1991 й. и/ч, д/р 30 674 VSF, т/н. Б.б. – 1 344 000 сўм. 4) **А/м «УАЗ-469».** 1982 й. и/ч, д/р 30 543 VSF, т/н. Б.б. – 1 517 000 сўм. 5) **А/м «УАЗ-469».** 1984 й. и/ч, д/р 30 590 VSF, т/н. Б.б. – 1 517 000 сўм. 6) **А/м «УАЗ-31512».** 1986 й. и/ч, д/р 30 533 VSF, т/н. Б.б. – 1 517 000 сўм. 7) **А/м «УАЗ-31512».** 1991 й. и/ч, д/р 30 568 VSF, т/н. Б.б. – 1 344 000 сўм. 8) **А/м «УАЗ-315140».** 1994 й. и/ч, д/р 30 585 VSF, т/н. Б.б. – 1 428 000 сўм. 9) **А/м «ДОГАН».** 1994 й. и/ч, д/р 30 562 VSF, т/н. Б.б. – 1 171 000 сўм. 10) **А/м «ВАЗ-21063».** 1992 й. и/ч, д/р 30 513 VSF, т/н. Б.б. – 1 417 000 сўм.

II. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарорига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тиббиёт бошқармаси Реаблитация марказининг 2019 йил 28 майдаги 25/136-сонли буюртманомасига асосан, Самарқанд шаҳри, Ўрмон хўжалиги 59-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1) **А/м «ИЖ-2715».** 1989 й. и/ч, д/р 30 579 VSF, т/н. Б.б. – 2 687 000 сўм. 2) **А/м «ВАЗ-21061».** 1989 й. и/ч, д/р 30 575 VSF, т/н. Б.б. – 3 745 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2019 йил 1 июль куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.** Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Ушбу автомашиналар 2019 йил 1 июль куни сотилмаган тақдирда, **такрорий савдолар 2019 йил 8 июль, 15 июль ва 22 июль** кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш савдолар ўтказилишидан 1 кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади. Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда, закалат пулини АТИБ "Ипотека банк" Кўксарой филиалидаги 20208000804942465001 (МФО:00262, ИНН:302129857) ҳ/р.га тўлашлари шарт.

**Савдо ўтказиладиган манзил:** Самарқанд шаҳар, М.Қошғарий кўчаси, 58-уй, 2-қават. Тел: (66) 233-80-11, (66) 233-80-13. Гувоҳнома №05496.

Изоҳ: й. и/ч – йил ишлаб чиқарилган, д/р – давлат рақами, т/н – техник носоз, Б.б. – бошланғич баҳоси.

**Хизматлар лицензияланган**

HUQUQ
YURIDIK GAZETA

MUASSIS:
**O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi**

BOSH MUHARRIR:
***Jahongir MAKSUMOV***

TAHRIR HAY'ATI:
Erkin YULDASHEV
Halim BOLTAYEV
Djaxongir MIRSAFAYEV
Surayyo RAHMONOVA
Utkirjon DEXKANOV
Maqsudali QAMBAROV

TAHRIRIYAT MANZILI:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53, 233-64-85

www.huquq.uz

info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallari ko`chirib bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart.
Ⓣ — tijorat materiali.

Buyurtma **v-3455.**
19 451 nusxada bosildi.
Qog'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: **G`.ALIMOV**
Sahifalovchi: **S.BOBOJANOV**

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi **231**

Gazeta «O`zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda **0188**-raqam bilan ro`yxatga olingan.

ISSN 2010-7617
9 772010 761004

**Парижда Халқаро эпизоотик бьюро(ОИЕ)нинг 87-Бош сессияси доирасида "Ўзбекистон куни" ҳам нишонланади. Унда 180 ортиқ мамлакат вакиллари қатнашиши кутилмоқда.**

# МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!



**Қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш ҳамда ҳуқуқий-амалий тажрибасини ёш ходимларни тарбиялашга бахшида этиб, жамоатчилик эътиборига сазовор бўлган инсонлардан бири Маҳмуд Ўзбеков кутлуғ 60 ёшни қарши олмокда.**

У прокуратура органлари тизимидаги меҳнат фаолияти давомида Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар прокурорининг ёрдамчиси, вилоят прокуратурасида бўлим прокурори, бўлим катта прокурори, бўлим бошлиғи ўринбосари, Шаҳрисабз туман прокурори, Деҳқонобод туман прокурори, Ғузор туман прокурорининг ёрдамчиси, Нишон туман прокурорининг ёрдамчиси, Қарши туман прокурорининг катта ёрдамчиси, Қамоққа олинганларни сақлаш ва жазони ижро этиш жойларида қонунларга риоя этилиши устидан назорат бўйича Қарши прокурорининг ёрдамчиси каби лавозимларда самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Ҳозирги кунда Маҳмуд Ўзбеков вилоят прокуратурасида бўлим катта прокурори вазифасида фаолият юритмокда.

У камтарлиги, фидойилиги, самимийлиги ва хизмат бурчига содиқлиги билан ҳамкасблари ҳурматига сазовор бўлди.

Шогирдлари уни амалий тажрибаси ва касб маҳорати сирларини сидқидилдан ўргатган тажрибали мураббий, меҳрибон устоз сифатида юксак қадрлашади.

Маҳмуд Ўзбековнинг узоқ йиллик меҳнат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, бир неча маротаба рағбатлантирилди.

Ҳурматли Маҳмуд Ўзбеков, таваллуд айёмингиз қутлуғ бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, хонадонингизга файзу барака тилаймиз!

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Қашқадарё вилоят прокуратураси жамоалари**



**Прокуратура органлари тизимида кўп йиллар хизмат қилиб, юртимизда қонунийликни мустаҳкамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсон, прокуратура фахрийси Абдумуталиб Дадажонов кутлуғ 60 ёшни қарши олмокда.**

У меҳнат фаолияти давомида турли лавозимларда, жумладан, Тошкент шаҳар Яшнобод туман прокуратурасида иш ўрганувчи, терговчи, шаҳар прокуратурасида катта терговчи, бўлим прокурори, Бектемир туман прокурори ёрдамчиси, Миробод туман прокурори ёрдамчиси лавозимларида самарали хизмат қилиб, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашди.

Меҳнатсеварлиги, изланувчанлиги, адолатпарварлиги ва ташаббускорлиги туфайли барчанинг ҳурмат-эътиборини, ишончини қозониб келди.

Камтарлиги, фидойилиги, самимийлиги ва хизмат бурчига содиқлиги билан ҳамкасблари ҳурматига сазовор бўлди.

Абдумуталиб Дадажоновнинг узоқ йиллик меҳнат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, бир неча маротаба рағбатлантирилди.

Ҳурматли Абдумуталиб Дадажонов, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлик, узоқ умр, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик тилаймиз.

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази**



**Прокуратура органлари тизимида астойдил хизмат қилиб, юртимизда қонунийликни мустаҳкамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган Ғайратжон Эгамбердиев табаррук 60 ёшини қарши олмокда.**

У прокуратура органлари тизимида 29 йиллик меҳнат фаолияти давомида турли лавозимларда, жумладан, Фарғона вилоят прокуратураси бўлим прокурори, Қиргули туман прокурорининг ёрдамчиси ва катта ёрдамчиси, Қувасой шаҳар прокурорининг ўринбосари, Фарғона шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси, шаҳар прокуратураси терговчиси, Фурқат туман прокуратураси терговчиси, Қўқон шаҳар прокурорининг ёрдамчиси, Риштон туман прокурорининг катта ёрдамчиси, Олтиариқ туман прокурорининг катта ёрдамчиси, Бағдод туман прокурорининг ёрдамчиси лавозимларида самарали хизмат қилиб, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларини бажаришга масъулият билан ёндашди.

Самимийлик ва фидойилик каби фазилатлари билан ҳамкасблари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари орасида ҳурмат қозонди. Бугун сафимизга кириб келаётган ёш ҳуқуқшунос ходимлар уни касб маҳорати сирларини ўргатган тажрибали мураббий, меҳрибон устоз сифатида юксак қадрлайди.

Ҳурматли Ғайратжон Эгамбердиев, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик — осойишталик ҳамда фаровонлик тилаймиз!

**Фарғона вилоят прокуратураси жамоаси**

SPORT




## Иштирокчилар сони оширилмади

**Бунга сабаб нима?**

ФИФА 2022 йил Қатарда бўлиб ўтадиган Жаҳон чемпионатида 32 та терма жамоа қатнашишини расман эълон қилди.

Бунга қадар жамоалар сонини 48 тага етказиш борасида ишлар олиб борилганди. Бироқ Қатарга қўшни мамлакатларнинг ҳеч бири мундиал ўйинларини қабул қилишга тайёр эмаслиги маълум бўлди.

Қатарнинг ўзи стадионлар учун талаб кичикроқ бўлган тақдирда 48 та жамоалик мусобақани ўтказишга ҳам тайёр эди. Қатар аввалдан айтилганидек, 8 та стадионга қўшимча тарзда яна 4 та стадионни мундиал учун тайёрлаши мумкин эди, фақат уларнинг сиғими 20 минг томошабиндан кам бўларди. ФИФА эса бунга рози бўлмади.

Шу тариқа 2022 йилги мундиалда ўтган йиллардаги каби 32 та терма жамоа иштирок этади.

**Бизда имконият қандай?**

Ўзбекистон терма жамоаси шу йилнинг сентябрь ойидан Жаҳон чемпионати саралаш баҳсларини бошлайди.

ОФК биринчи саралашдан 8 та жамоани ажратиб олганидан сўнг 2-раунд учун қуръа ташлаш маросимини ўтказади. Қуръа 17 июль куни бўлиб ўтади.

2-раундда 40 та терма жамоа 5 тадан 8 та гуруҳга бўлинади. Бу ҳам ФИФА рейтинги асосида тақсимланади. Ўзбекистон мазкур қуръа ташлаш маросимида 2-саватчадан жой олади.

Саралаш баҳслари Осиё Кубоги-2023 йулланмасини ҳал қилишини инобатга олган ҳолда унда Қатар ҳам иштирок этади.

1-саватча: Эрон, Жанубий Корея, Япония, Австралия, Қатар, БАА, Саудия Арабистони ва Хитой.

Гувоҳи бўлганингиздек, Ўзбекистоннинг рақиблари орасида 2-босқични ўзидаёқ жуда кучли терма жамоалар жой олиши мумкин.

8 та гуруҳ ғолиблари ва энг яхши 4 та иккинчи ўринни олган терма жамоа 3-босқичга йўл олади. У ерда 6 та жамоадан иборат 2 та гуруҳ тузилади. Якунда дастлабки 2-ўринни қўлга киритган терма ЖЧга йўл олса, икки гуруҳда учинчи ўринни эгаллаганлар ўзаро баҳс олиб борадилар. Ғолиб Океания, Жанубий Америка ёки Шимолий Америка вакилига қарши майдонга чиқади.

Кўриб турганингиздек, Ўзбекистон терма жамоасининг олдида жуда узоқ ва қийин йўл турибди.

## Квота сақланиб қолади

**Осиё чемпионлар лигасида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган пойтахтнинг икки клуби — "Пахтакор" ва "Локомотив" клублари афсуски гуруҳ босқичида қолиб кетди.**

Бу ҳам етмаганидек, клубларимиз етарлича очко тўплай олишмагани туфайли Ўзбекистон учун ОЧЛ квоталари 1+2дан 1+1га камаядиган бўлди.

Бироқ кўпчилик бу квоталар кейинги, 2020 йилдан амал қилади деб ўйламоқда. Аслида ОФК 2018 йилда навбатдаги икки йил учун квоталарни эълон қилган. Ўшанда Ўзбекистонга 2019 ва 2020 йиллар учун 1+2та ўрин ажратилган эди. Демак, кейинги йил ҳам биздан учта клуб ОЧЛда иштирок эта олади. 2019 йилги чемпион тўғридан-тўғри гуруҳ босқичига йўл олса, Ўзбекистон Кубоги соҳиби ва Суперлигада иккинчи ўрин эгаси плей-оффда қатнашади. Агар чемпионлик ҳам, Кубок ҳам бир клубга насиб қилса у ҳолда чемпионатда учинчи ўринни олган клубда имконият пайдо бўлади. Худди шундай вазият Суперлигада иккинчи бўлган клуб мамлакат кубогини қўлга киритган тақдирда ҳам рўй беради.

AFC CHAMPIONS LEAGUE




## Неймар "Реал"дан катта маош сўрамоқда

**Франциянинг "ПСЖ" клуби ҳужумчиси Неймар ёзда бошқа жамоага ўтиши мумкин.**

Маълумотларга қараганда, бразилиялик ҳужумчи Мадриднинг "Реал" клубига ўтишга тайёр. Аммо бунинг учун "қироллик клуби" футболчига ҳафтасига 1,3 миллион евро маош тўлаши керак бўлади.

Бу мавсумда муваффақиятсизликка юз тутган клуб Неймарнинг "нафсини қондириш" учун Гарет Бэйлни сотишни режалаштираётгани ҳақида ҳам хабарлар бор.

Эслатиб ўтамиз, бразилиялик ҳужумчи айни дамда ҳафтасига 700 минг евро маош олади.




## "Ньюкасл" ҳам супер жамоага айланиши мумкин

**"Манчестер Сити" клуби хўжайинининг акаси "Ньюкасл Юнайтед" жамоасини сотиб олишга рози бўлди.**

Ҳозирги вақтда клубни Майк Эшли бошқармоқда. Клубнинг янги хўжайини катта эҳтимол билан шайх Холид бин Султон бен Заид Аль Нахайян бўлади. Эшли "Ньюкасл" билан хайрлашишга рози бўлди ва битим нархи 350 миллион фунт (398 миллион евро) ни ташкил этади.

Шайх Холид ва унинг шериклари жамоа бош мураббийлигига Рафаэль Бенитесни қолдиришмоқчи. Клубнинг бўлажак эгаси вакилининг сўзларига қараганда, бу битим ёзги трансферлар пайтида имзоланади.

Бундан олдин, шайх Холид "Ливерпуль" клубини рекорд нархда — 2 миллиард фунт (2,275 миллиард евро) га сотиб олишга уринган, якунида Американинг Fenway Sports Group рад жавобини берган эди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

**Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2 июнь куни Туркия терма жамоаси билан ўртоқлик ўйини ўтказади.**